БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 171 (19.547). ● 1986 йил 23 июль, чоршанба ✦ Баҳоси 3 тийин.

Бугунги сонда:

✦ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК БИРИНЧИ ЙИЛИ ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛИШИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ.
● 1-бет

✦ ДАВЛАТ ВА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА.
● 2-бет

✦ ИНСОН ҲАМИША МЕҲР ОҒУШИДА ЯШАШИ ЛОЗИМ.
● 3-бет

✦ «АТЕИСТ» КЛУБИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
● 4-бет

ИШОНЧ—МУҚАДДАС

«Ҳар бир киши ўзига топширилган участкада билимдонлик ва ғайрат билан, масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқмай ҳаракат қиладиган бўлсин...» КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида ана шундай сатрлар бор. Дарвоқе, давр ҳар биримиздан ўз гражданлик бурчимизни сидқидилдан ва ҳалол адо этишимизни, жамият манфаатлари йўлида виждонан ва садоқат билан меҳнат қилишимизни тақозо этмоқда. Партиямиз бундан буён ҳам топширилган иш учун масъулиятни ошириш ва талабчанликни кучайтириш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Доҳиймиз В. И. Ленин, энг аввало, ўзини қизиқтирган кадрнинг ҳалоллиги, софлиги, сиёсий етуклиги, ишбилармонлиги, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан қизиқиб кўрарди. Бундай фазилатлар ҳар бир коммунистга, ҳар бир ходимга хос бўлиши кераклигини қайта-қайта уқтирарди. Фақат ана шундай кишиларни бир неча марта синаб кўргандан кейингина энг оддий вазифалардан энг қийин вазифаларга кўтариш лозим, деб алоҳида таъкидларди.

Доҳий васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партиямиз кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда уларнинг ишчанлиги, қобилияти ва истеъдоди, хулқ-атвори, софлиги ва поклигига катта аҳамият бериб келмоқда.

Республикамизда ҳам ўз лавозими масъулиятини чуқур ҳис этиб, гражданлик бурчини ҳаллоллик ва поклик билан ўтаётган, эл-юрт таҳсинига сазовор бўлаётган раҳбар кадрлар ва ходимлар кўп. Улар умумманфаати йўлида ўзларининг шахсий манфаатларидан воз кеча олиш, ҳар қандай қийинчиликларни енгиш, партия сиёсатига зид бўлган ҳамма нарсага муросасиз муносабатда бўлиш хусусиятларига эга бўлган ҳақиқий фидокор кишилардир. Бундай кадрлар ҳеч қачон ўз шахсиятини устун қўймайдилар, ўз виждонини сотмайдилар, риёкорлик ва худбинлик кўчасига кирмайдилар, лаганбардорлик ва хушомадгўйликни асло ёқтирмайдилар. Партиявий ва гражданлик виждони, эл-юрт олдидаги бурчи, коммунистик эътиқоди ва принципиаллиги ҳар қандай қусурлардан четлаб ўтишга даъват этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай ходим қайси лавозимни эгалламасин, унга обрў-эътибор, ҳурмат, иззат-икром ғойибдан келмайди, албатта. Фақат кундалик самарали меҳнат, куч-ғайрат, шахсий ибрат, софлик ва покликкина кишини улуғлайди, ардоқлайди. Ана шу йўл билангина халқнинг чексиз меҳр-муҳаббати ва ҳурматига эришиш мумкин.

Партия ходимларни бир лавозимдан иккинчи лавозимга кўтаришда масаланинг ана шу томонларига жиддий эътибор билан қарамоқда. Обрўдан маҳрум бўлган, омманинг фикрига қулоқ солмайдиган кишилар раҳбарлик лавозимини эгаллай олмайдилар ва эгаллашлари ҳам мумкин эмас. Шундай экан, яхши ишламаслик, сусткашлик, масъулиятсизлик ходимларнинг моддий тақдирланишига ҳам, хизмат мавқеига ҳам, маънавий обрў-эътиборига ҳам бевосита ва муқаррар тарзда таъсир этиши керак.

Коммунистга унинг хатти-ҳаракатлари ва ишларига қараб баҳо берилади. Партиямиз ижтимоий бурчга муносабат учун, партия қарорларини бажариш учун, коммунистнинг соф ва мусаффо қиёфаси учун ҳар бир партия аъзосига қўйиладиган талабларни янада кучайтириб бормоқда. Бундан бошқача мезон йўқ.

Партия ва ҳукуматимиз диққат-эътиборни баъзи раҳбарларнинг янгиликни кўра олмайдиган, камчиликларни сезмайдиган бўлиб қолаётганликларига қаратмоқдалар. Бу борада раҳбар кадр ва ходимларнинг активлигини янада ошириш йўллари қидирилянти. Масъул лавозимларга хотин-қизлар ва истиқболли ёш ходимлар дадиллик билан кўтарилаётир.

Бугунги кунда раҳбар кадрларнинг маъмурий-хўжалик фаолиятидаги масъулияти тобора ортиб бормоқда. Меҳнат коллективидаги муҳитнинг қай даражада эканлиги кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг бурчга садоқати ва ахлоқига ҳам боғлиқдир. Чунки унинг ишга ва одамларга муносабати бошқалар учун ибрат бўлиб хизмат қилиши керак.

Раҳбар кадрлар ва ходимлар ишга ижодий ёндашишлари, ўзларига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлишлари, ҳар қандай сансалорлик ва бюрократик кўринишларга қарши кескин кураш олиб боришлари, энг муҳими, эгаллаб турган мавқеини ҳурмат қилишлари, сира ҳам лавозимни суиистеъмол қилмасликлари лозим.

Бироқ ҳамма жойда иш бир текисда кетяпти, деб бўлмайди. Редакцияга келаётган ариза ва шикоятлар, ташвишли сигналлар бу ҳақда гувоҳлик беради. Ўз хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишдан тоймайдиган ҳар хил юлғич ва порахўрлар, ташмачилар оз бўлса-да, учраб туради. Айрим коммунистлар ўзларини номуносиб тутиб, доғ тушиradиган хатти-ҳаракатлар қилмоқдалар.

Талабчанлик ва принципиаллик, интизом ва тартиб бўшашган жойда хизмат бурчига совуққонлик билан қараш, лавозимни суиистеъмол қилиш пайдо бўлади. Масалан, Ховос районидаги 1-«Д» совхози директори М. Эгамқулов лавозимидан фойдаланиб, жон бошига ҳисоблаганда бирмунча ортиқча турар жой сатҳини эгаллаб олган. Текшириш якунлари совхоз партия бюросининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди ва совхоз директори М. Эгамқуловга виговор берилди.

Коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашни хизмат бурчига садоқати, эътиқоди, ҳаллоллиги ва поклиги билан бирлаштириш ленинча иш услубининг энг муҳим хусусияти ва характерли белгисидир. Киши ўз лавозимига асло гард юқтирмаслиги, уни мусаффо сақлаши керак. Ҳар қандай суиистеъмолларга йўл қўйилишининг ўз вақтида пайини қирқиш лозим.

Партия ташкилотларининг муҳим вазифаси — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, улар фаолиятида партиявий принциплар бузилмаслиги устидан назоратни янада кучайтиришдан иборат. Сўз билан иш бирлигини таъминлаш ғоят муҳимдир. Камчилик ва иллатларни кўриш, уларни қоралашнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундай нуқсонлар қайта такрорланмаслиги учун таъсирчан амалий тадбирлар кўрилиши лозим.

Хизмат бурчи — муқаддас. Лекин унинг қадрига етмайдиганларни эл-юрт асло кечирмайди. Пахтаобод районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири Ж. Ҳайдаров ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Чиноқчи район пахта тозалаш заводи классификатори У. Худойбердиевга эса қаттиқ виговор берилди. Шеробод районидаги 15-ўрта мактаб директори Ч. Эшбоев лавозимидан четлатилди... Халқ ишончини йўқотганлар, эл назаридан қолганлар тақдири ҳамиша шундай тугайди.

Ҳар бир раҳбар ва ходим ўз хизмат вазифасини қадрлаши, коллектив олдидаги бурчини унутмаслиги керак. Ҳар биримиз ўз ишимиз ва фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашимиз, танқидга тўғри муносабатда бўлишимиз, софлик ва поклик йўлидан оғишмай олға томон интилишимиз лозим.

М. С. Горбачевнинг совет спортчилари—Яхши ният ўйинлари қатнашчилари билан учрашуви

21 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет спортчилари — Яхши ният ўйинларининг ғолиблари ва совриндорлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

М. С. Горбачев ўзининг табрик нутқида Яхши ният ўйинлари мамлакатимизнинг, жаҳон спорт ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта воқеа бўлганлигини айтди. Яхши ният ўйинлари халқаро спорт календарида алоҳида ўринни эгаллайди, чунки унинг ўтказилишида давр талаби, тинчликда ва иноқликда яшашга интилаётган халқларнинг хоҳиш-иродаси ўз аксини топди. СССР ва АҚШ спорт ташкилотларининг, савдо-саноат доиралари ва жамоатчилигининг Яхши ният ўйинларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ўзини тўла-тўкис оқлади ва жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида актив қўллаб-қувватланди. Ўйинлар энг кучли спортчилар учун Олимпиада ўйинларига тайёргарлик йўлида ўз кучларини синаб кўришда аъло даражадаги имконият бўлди.

Яхши ният ўйинлари халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида яна бир қадам, ёшларнинг тинч демократик негизда ҳамкорлик қилиши ва интернационал бирлигининг намунаси бўлиб қолди.

М. С. Горбачев совет спортчиларини ўйинларда муваффақиятли қатнашганликлари билан самимий табриклади, уларга спортда янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва омонлик тилади, чет эллик спортчиларга нисбатан кўрсатилган меҳмондўстлик ва самимият учун миннатдорчилик билдирди.

Учрашувда СССР терма командаси составида барча иттифоқдош республикаларнинг, Москва ва Ленинград шаҳарларининг вакиллари бўлганлиги айтиб ўтилди. Бундай кенг кўламда вакиллар қатнашганлиги мамлакатимизда физкультура ва спорт, халқ саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида турганлигидан далолат беради. Бунда меҳнат коллективларида, аҳоли истиқомат ва дам олиш жойларида бутун физкультура-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини авж олдириб юбориш учун Яхши ният ўйинларидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда сўзга чиққан СССР Физкультура ва спорт давлат комитетининг раиси М. В. Грамов, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери С. Н. Бубка, халқаро классдаги СССР спорт мастери О. Ю. Кривошеева, СССРда хизмат кўрсатган тренер Л. Я. Аркаев мусобақаларнинг якунлари тўғрисида ахборот бердилар, спорт кураши қандай борганлиги, чет эллик тенгдошлар билан учрашувлар тўғрисидаги таассуротларини ўртоқлашдилар. Улар совет спортчилари бундан буён ҳам халқаро спорт ҳаракатида актив қатнашадилар, Яхши ният ўйинларининг «Спортдаги дўстлиқдан — Ер юзида тинчлик сари» шиорини конкрет ишлар билан амалга оширадилар, деб КПСС Марказий Комитетига ваъда бердилар.

Учрашув ғоят самимий ва сидқидиллик вазиятида ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко иштирок этдилар.

(ТАСС).

М. С. Горбачев Г.-Д. Геншерни қабул қилди

21 июль куни М. С. Горбачев Кремлда Германия Федератив Республикаси Федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар федерал министри Г. -Д. Геншерни қабул қилди. Г. -Д. Геншер КПСС Марказий Комитети Бош секретарига Федерал канцлер Г. Колнинг мактубини топширди.

Халқаро вазиятга, энг аввало умумевропа вазиятига доир кенг кўламдаги масалалар ва икки томонлама муносабатлар муҳокама қилинди.

Яхши ният билан фикр алмашув, рўй-рост мунозара жаҳондаги вазият таҳликали бўлиб қолаётганлигини, ядро қуроли юзасидан музокараларда ҳарбий хавф-хатар камайганлиги тўғрисида гапиришга имкон берадиган силжишлар ҳозирча бўлмаётганлигини, Ғарб билан Шарқ ўртасида ҳақиқатан ҳам амалий, самарали мулоқот зарурлигини, тузилган шартномалар, биринчи навбатда стратегик қуролларни чеклаш ва ракетага қарши мудофаа шартномаларига риоя этилиши зарурлиги ҳамда бўлажак умумевропа анжуманлари ва бошқа музокаралар давлатлар ўртасида барқарор ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик структурасини вужудга келтиришга кўмаклашиши кераклигини умуман англаш мавжудлигини таъкидлаш имконини берди.

Суҳбатдошлар ўз давлатларининг 1970 йилдаги Москва шартномасига ва Хельсинки Якунловчи актига содиқ эканлигини таъкидладилар. Мазкур ҳужжатлар Совет—Ғарбий Германия муносабатларига ва уларнинг умумевропа жараёнида қатнашишига асос қилиб олинган. Бу йўлни давом эттириш барча жиҳатларга: сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, инсонпарварлик жиҳатларига баб-баравар эътибор берилишини талаб қилади.

М. С. Горбачев жаҳонда, Европада, ҒФР — СССР икки томонлама муносабатларида вужудга келган вазиятда мазкур учрашув, Г. -Д. Геншернинг визити оддий воқеалардан эмаслигини уқтириб ўтди. Ҳозирги пайтда жаҳон икки йўл ўртасида турибди ва у қайси томонга қараб бориши Европанинг сиёсий позициясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

М. С. Горбачев тарих сабоқларини, Европада ва жаҳонда ўзларининг мавқеи ва реал салмоғини ҳисобга олиб, ўз ҳарбий-сиёсий иттифоқларга содиқлигини албатта сақлаб қолган ҳолда «Европа макони»ни қуришда СССР ва ҒФР сингари давлатлар баб-баравар масъулиятли эканликларини таъкидлади. Биз европаликларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги масалани биринчи даражали қилиб ўртага қўяр эканмиз, бунда Европада вужудга келган сиёсий ва территориал структуранинг бузилиши фақат бошбошдоқлик ва вазиятнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин, деган фикрга амал қиламиз. Бироқ Европа Европалитича қолавериб у янги сиёсий тафаккурни шакллантиришга, умуминсоний аҳамиятга молик проблемаларни ҳал этишга, умумий вазиятни соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин ва ҳисса қўшиши зарур. Бу ҳисса айниқса қимматлидир, чунки у турли системадаги давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари узвий боғланиб кетганлигининг самараси бўлур эди, европаликларнинг жуда катта сиёсий тажрибасига, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа имкониятларига асосланган бўлур эди.

М. С. Горбачев ҒФР намояндаларининг тинчликсеварлик баёнотларини инобатга олиб, ҒФРнинг сиёсатида изчиллик кўрсатилмаётганлигини уқтириб ўтди. Ҳозирги дунёга ва ҒФРнинг ролига масъулият билан муносабатда бўлиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар АҚШ маъмуриятининг урушқоқлик йўлини, ўртача олислик ракеталарининг бир қисмини Европада сақлаб қолишни кўзда тутувчи Американинг «оралиқ» вариантини амалда қўллаб-қувватлаш билан, стратегик мудофаа ташаббуси программасида қатнашиш билан Совет Иттифоқининг олисни кўзловчи ташаббуслари очиб берадиган қуролсизланиш имкониятларига пассив муносабатда бўлиш билан ҳеч бир боғланмайди. Қуролсизланиш масалаларида актив сиёсат ўтказиш ҒФРнинг манфаатларига мос бўлиб тушади ва агар бундай сиёсат амалий қадамларга айланса, ҒФР СССР сиймосида қуруқ сўз билан ҳаракат қилмайдиган ишончли шерикка эга бўлади.

Совет Иттифоқининг тинчлик муддаоларини кўрсатувчи энг яққол далил — бу унинг мамлакат ичкарисидаги ўзгартишларга доир ва совет жамиятининг жами улкан қудратини очиб беришга қаратилган режаларидир. СССР ўз ривожланишининг ғоят истиқболли босқичида ҒФР билан иқтисодий соҳада ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Бунда баҳамжиҳат ҳаракатнинг янги формаларини ҳам назарда тутиш керак ва уларни биргаликда муҳокама қилиш мумкин бўлур эди. Шу тариқа сиёсий мулоқотнинг, ўзаро манфаатдорлик ва ишончнинг моддий базаси мустаҳкамланади, бутун Европа учун фойдали бўлган заковатли муносабатларни ўрнатиш ишлари муваффақиятлироқ олиб борилади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССРнинг ҒФРдаги элчиси Ю. А. Квицинский, ҒФР ташқи ишлар министрлиги сиёсий департаментининг бошлиғи Г. Браунмоль, ҒФРнинг СССРдаги элчиси Й. Кастль ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!



Термиз дарё порти коллективи халқ хўжалиги юкларини қайта ишлаш ва ташиш бўйича ярим йиллик планни барвақт бажарди. Меҳнат зафарига 1986 йил сентябрь ойига ҳисоб очган А. Гришченко бошлиқ докер-механизаторлар бригадаси, шунингдек «Астрахань» теплоходи экипажи баракали ҳисса қўшди. Қайта ишланган юкларнинг каттагина қисми дўст Афғонистонга етказиб берилди.

Суратларда: 1. Афғонистон Демократик Республикасига жўнатиладиган юкларни ортиш пайти. 2. Докер-механизаторлар илғор коллективи бошлиғи А. Гришченко (ўнгда) ўз бригадаси аъзолари А. Ширяев (чапда) ва Б. Казин билан.

И. ХУЖАЕВ фотолари (ЎзТАГ).

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

ҚУРИЛИШ СУРЪАТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ КЕРАК

Намангандаги «Пятилетка» ишлаб чиқариш бирлашмасининг барпо этилиши ниҳоясига етказилмоқда. У йилига 26 миллион квадрат метр нотўқима газламалар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шу кунгача қурилишга сарфлаш кўзда тутилган 9.500 минг сўм маблағнинг 8.500 минг сўмидан кўпроғи ўзлаштирилди.

Бош пудратчи — 10-қурилиш трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари ишни жадал усулда, вақтдан бирмунча илгарилаб бажариб боришяпти. 4 гектар майдонда ўндан ортиқ катта-кичик ишлаб чиқариш иншоотлари қад кўтарди. Жумладан, тўрт қаватли ишлаб чиқариш корпуси, энергоблок, қозонхона, суюқлик резервуарлари, омборхона, насос станцияси ва бошқалар муддатидан олдин қуриб битказилди.

Бинокорлар бутун куч ва имкониятларини саккиз қаватли маъмурий-маиший бино қурилишига қаратганлар. Нўра Абдураҳмонов бошлиқ бригада пардозловчилари бинога сўнгги сайқални бермоқдалар. Бошқа объектларда ишлаётган Василий Емельянов, Виктор Пак бошлиқ комплекс ва монтажчилар бригадалари ишчилари ҳам топшириқни жадал ва фақат юқори сифатли бажаришда намуна кўрсатишяпти.

Ердамчи пудратчиларнинг ҳлм ишлари ғоят қизғин. Улар объектларни тез ва сифатли қуриб битказмоқдалар.

Қурилишда ишлаётган шерикларнинг ягона мақсад йўлидаги аҳиллиги, ишда механизациялаш даражаси оширилгани, айниқса, кичик механизация воситаларидан кенг фойдаланилаётгани, ишчиларнинг малака ва маҳорати оширилаётгани, қатъий интизом ва тартиб ўрнатилгани муваффақият омиллари бўляпти. Айни пайтда қурилиш материаллари етказиб бераётган корхоналар, буюртмачилар билан алоқа мустаҳкамланди. Булар ҳам кутилган самараларни беряпти.

Пудратчи ташкилотлар ўн иккинчи беш йилликнинг бош вазифаси — жадаллаштириш йўлида бутун куч ва воситаларни ишга солмоқдалар, илғор технология ечимларини жорий этишга интилмоқдалар.

Айни чоғда мазкур қурилишда қатор муаммо ва қийинчиликлар ҳам мавжуд. Бу ҳол, аввало, технологик ускуналар билан таъминланишда намоён бўлмоқда. Ленинграддаги «Вулкан» заводи бундай ускуналарни вақтида ва тўлиқ комплектлаб юбормаяпти. Масалан, ўтган йилнинг 3-кварталида олиниши керак бўлган ускуналар йилнинг охиридагина етиб келди. Булар ҳам тўла комплектда эмас. Шу сабабли Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотлари бажараётган иш — агрегаталари монтаж қилиш кечикиб кетди.

Қурилиш суръатини ошириш ва юқори сифатни таъминлашдаги маълум сусткашликларга буюртмачи — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ҳам айбдордир. Қурилиш майдонлари ишни бошлаш учун ўз вақтида бўшатиб берилмади, зарур меҳнат фронти яратишда ҳозиржавоблик қилинмади.

КПСС XXVII съезди қарорларида қўйилган вазифаларга мувофиқ қурилиш муддатларини қисқартириш, ишда сифат ва тежамкорликни таъминлаш зарур. Буюртмачилар ҳам, пудратчи ташкилотлар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, объект қурилишини яна ҳам жадаллаштиришлари керак.

В. ТИРИН,
«Узоргтехстрой» трести ахборот ва пропаганда бўлими катта инженери.

УНУМДОРЛИК ОРТДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигириш фабрикасида янги машиналар ишга тушди. Реконструкция чоғида эски тараш машиналари ўрнига янгилари қўйилди. Натижада меҳнат унумдорлиги 2,5—3 баравар ортди. Айни вақтда анчагина ишлаб чиқариш саҳни ҳам бўшади. Шунинг ҳисобига сортлаштитиш цехи кенгайтирилди, бир кунлик пахта запаси омборлари барпо этилди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1986 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш борасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади:

Жиззах области,
Тошкент области,
Қашқадарё областидаги Усмон Юсупов райони,
Қорақалпоғистон АССРдаги Ленинобод райони,
Самарқанд областидаги Советобод райони,
Бухоро областидаги Пешку райони,
Жиззах областидаги Ғаллаорол райони.

Қуйидаги коллективлар 1986 йилнинг биринчи ярмида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасининг ғолиблари, деб топилди:

Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги Ильич номли колхоз,
Самарқанд область, Жомбой районидаги Жданов номли колхоз,
Тошкент область, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз,
Қашқадарё область, Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхози,
Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Ильич номли совхоз,
Тошкент область, Ғалаба районидаги В. Н. Волков номли совхоз,
Фарғона область, Риштон районидаги Навоий номли совхоз,
Жиззах область, Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхоз,
Самарқанд область, Каттақўрғон район Каттақўрғон қорамолни сўқимга боқиш саноат комплекси.
Самарқанд область, Булунғур район матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалиги,
Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Навоий балиқчилик хўжалиги.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Қува районидаги Калинин номли колхоз деҳқонлари ғўзани шарбат оқизиб суғоришга одатдагидан анча барвақт киришдилар. Бу ғўзаларнинг ривожланишидан орқада қолишига йўл қўймаслик учун амалга оширилаётган тадбирдир.

Ҳозир ҳар бир пахта майдони ёнида бетон ҳовузлар қурилган бўлиб, улардан маҳаллий ўғит аралашмаси ва сув жўякларга берилади. Хўжалик сувчиларига махсус тайёргарликдан ўтган юз нафар ёш колхозчи ёрдамга келди. Шарбат оқизиб суғоришга умид боғланганлиги тасодифий эмас. Бундай суғоришдан кейин тупроқда намлик узоқ вақт сақланади. Бошқа резервлар ҳам ишга солинган — 40 та электр насос , ариқ ва зовурлардан суғориш тармоқларига сув чиқариб бераётир.

Колхоз меҳнаткашлари гектаридан 36 центнер ҳосил олишни мўлжаллаяптилар. Бу планда белгиланганидан 5 центнер кўпдир.

Фарғона область.

(ЎзТАГ мухбири).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИНГ БУҒИНЛАРИ

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг омилкор чорвадорлари йил бошидан бери 330 минг сўмга яқин пул тежадилар. Янги нарса яхши ю. эскисини яроқсизга чиқариш омилкорлик эмас, дейишади ферма меҳнаткашлари. Улар чорвачилик иморатларини реконструкция қилдилар ва бу иш зое кетмади. «Янгилаш» хўжаликка жами 70 минг сўмга тушди. Энди фермаларда янги машина-ускуналар ўрнатилди, молларни яйдоқ кўядиган майдонлар кенгайтирилди, новвосларни сўқимга боқиш учун енгил бостирмалар қурилди. Натижада йил бошидан бери 210 тоннага яқин — бултургидан анча кўп гўшт етказиб берилди.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам эски фермалар реконструкция қилиниб бўлди. Бу иш мавжуд майдонларнинг ўзида яна 700 бош қорамол жойлаштиришга имкон берди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЖАМИЯТ, ИНСОН, ҚОНУН

УМУМХАЛҚ ИШИ

Ижтимоий фойдали фаолиятнинг ўзи танлаб олган соҳасида ҳалол меҳнат қилиш ҳар бир совет гражданининг конституцион бурчи ва шарафли ишидир. Бизда меҳнат кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезондир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ҳалол, серунум меҳнатнинг қадр-қимматини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган асосий принципи оғишмай амалга оширилмоқда, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан давлат ва жамоат контроли олиб борилмоқда:

Совет кишилари ҳалол меҳнат қилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришдан олган даромадлари ҳисобига тинч ва фаровон яшаб келмоқдалар. Ҳалқ бахт-саодати йўлидаги ҳалол меҳнат Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини, ҳар бир оила моддий фаровонлигини ўстиришнинг асосий манбаи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим шарти эканини улар яхши тушунадилар.

Шу билан бирга 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошларида мамлакатимизда ижтимоий интизом ва контрол бирмунча сусайиши оқибатида хусусий мулкчиликка интилишлари аниқ кўриниб турган, жамоат манфаатларини менсимайдиган кишилар пайдо бўла бошлади. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишдан бўйин товлаб ёки ундан оладиган даромадларидан қаноат ҳосил қилмай, осон ва мўмай пул топиш йўлига кириб кетдилар.

Меҳнатсиз даромадлар асосан ғайриқонуний, кўпинча эса жиноий ҳаракатлар туфайли олинади. Социалистик мулкни талон-торож қилиш, чайқовчилик, порахўрлик, тамагирлик давлат ташкилотларида кўрсатилган хизмат учун гражданлардан ортиқча ҳақ ундириб олиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш ва шу каби ғайриқонуний ҳаракатлар меҳнатсиз даромад олишнинг асосий усулларидир. Қиморбозлик, киракашлик, азайимхонлик каби «фаолият» билан шуғулланиб, бойлик орттириб юрган шахслар ҳам учрайди.

Бундай салбий ҳоллар совет кишиларини ҳақли равишда ғазаблантирмоқда. Меҳнаткашларнинг талабларини ҳисобга олиб КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети яқинда меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорларда давлат ва гражданлар ҳисобига ғайриқонуний бойлик орттиришнинг ҳамма йўллари ва туйнуклари маҳкам беркитиб қўйилиши лозимлиги, ўз имкониятига яраша яшамаётган шахсларга қарши курашда совет қонунларини ва жамоатчилик таъсирининг бутун кучидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Меҳнатсиз даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарлик фактлари учун масъулият кучайтирилди.

Республикамизда кейинги йилларда порахўрлик, давлат мулкини талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш, хизмат мансабини суистеъмол қилиш каби жиноятлар кенг тарқалган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида бундай салбий ҳолатларга қарши кескин кураш бошлаб юборилди. Ўзлуксиз равишда пора олиб келган, давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиб, катта бойлик орттирган шахслар фош қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилдилар. Контролнинг бўшашиб кетиши, ҳисоб-китоб ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, кадрлар билан ишлаш принципларининг қўпол равишда бузилиши натижасида айрим мансабдор шахслар узоқ вақт мобайнида оғир жиноятлар қилиб, давлат ва халқ ҳисобига бойиб келганлар. Бундай фактлар, айниқса, пахта тозалаш саноатида, қишлоқ хўжалик корхоналарида, ички ишлар органларида кўп рўй берди. Масалан, «Китоб массиви» пахта пунктининг мудири Ёрбобо Норовдан тергов пайтида 400.000 сўмга яқин пул олинди. Райондаги бир қанча хўжаликларнинг «уддабурон» раҳбарлари пахта тайёрлаш планини бажаришнинг «осон» йўлини топиб, Норовга 900.000 сўмга яқин пул тўлаб, ҳақиқатда топширилмаган пахта учун ҳужжатлар олишган. Ўзининг ўнта фарзандини тирик етим қилган Норов қилмишига яраша жазоланди. Бироқ айрим хўжаликлар раҳбарлари бу каби фактлардан тўғри хулоса чиқариб олмаётганликлари аччинарлидир. 1984 ва 1985 йиллар йиғимтерим мавсумида ҳам бир қатор хўжаликларда пахта тайёрлашда қўшиб ёзишларга йўл қўйилдики, бунда айбдор шахсларни асло кечириб бўлмайди.

Озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ташмачилик анча кенг тарқалган. Унинг асосий сабаби ана шу корхоналарда моддий неъматларни ҳисобга олиш ва назорат ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Юзаки қараганда майда ўғирлик жамиятга унча катта зарар етказмаётгандек кўринади. Аслида эса ташмачилик мамлакатимиз экономикасига ҳам, кишилар психологиясига ҳам жиддий путур етказмоқда. Шу сабабдан янги қабул қилинган ҳуқуқий актларда майда ўғирлик учун масъулият анча оширилди. Эндиликда давлат ёки жамоат мулкини оз миқдорда талон-торож қилган шахс 200 сўмгача штраф қилинади ёхуд икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади. Айни пайтда бундай шахс мукофотнинг барча турларидан, йил якунларига қараб бериладиган мукофотлардан, бошқа имтиёзлардан маҳрум қилинади.

Чайқовчиликка қарши кураш ҳам кейинги йилларда бирмунча кучайтирилди. Бироқ чайқовчилик ҳозирда ҳам анча кенг тарқалган жиноят бўлиб қолмоқда. Айрим шахслар савдо корхоналари ишидаги камчиликлардан фойдаланиб, камёб моллларни фойда кўриш мақсадида олиб-сотиш билан шуғулланиб келадилар. Бу ишда чайқовчиларга нопок савдо ходимлари ёрдам бераётганлиги маълум. «Тошкент» савдо фирмасининг 3-магазини тайёр кийимлар бўлимининг мудири Абдуқаҳҳор Ғаффоров ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳакимов билан жиноий тил бириктириб, унга харидоргир кўйлак ва жакетларни насияга бериб келган. Ҳакимов эса бу товарларни юқори баҳода сотиб, катта фойда олган, бу фойда улар ўртасида «арра» қилинган. Ҳакимов 214 та кўйлак, жакет билан қўлга олинди. Тошкент шаҳар Октябрь район халқ суди Ғаффоров ва Ҳакимовларнинг ҳар бирининг «хизмати»ни 7 йил қамоқ билан «баҳолади». Тергов органлари ва суд чайқовчилик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда чайқовчилик предметлари қаердан олинганлигини, албатта, аниқлашлари, чайқовчиларни камёб товарлар билан таъминлаб турган савдо ходимларини ҳам жавобгарликка тортишлари шарт.

Айрим шахслар учун жамоат транспорти меҳнатсиз даромад олиш манбаига айланиб қолган. Давлат транспорт воситаларини айрим шахслар ихтиёрига топириб қўйган ҳотамтой раҳбарларни кўп учратиш мумкин. Бўривой Ортиқов Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги гаражида шофер бўлиб ишлаб, ўзига бириктирилган ГАЗ-24 автомашинасидан мунтазам равишда ғаразли мақсадларда фойдаланиб келган. Бу машина Нуъмонжон Аҳмедов деган фирибгарнинг хизматини бажарган. Аҳмедов машинадан фойдаланганлик учун ҳар сафар Ортиқовга 90 сўмгача пул берган. Калинин район халқ суди Ортиқовни озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. «Средазгипроводхлопок» институтига қарашли учта ГАЗ-24 машинаси ҳам шоферлар Сатторов, Султонов ва Валишвилилар томонидан шахсий бойлик орттириш воситасига айлантирилган. Шоферлар жазосини олишди. Бироқ идора раҳбарлари қандай жазо олишаркин?

Уй-жойлардан жамият манфаатларига зид тарзда шахсий бойлик орттириш ва бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмаслигини назарда тутиб, гражданларнинг уй-жой биноларидан фойдаланиши устидан назоратни кучайтириш зарур, деб топилди. Ҳақиқатан ҳам айрим виждонсиз шахслар уй-жой етишмаслигидан фойдаланиб, хоналарини, боғ ҳовлиларини ва чорбоғларини катта пул эвазига турар жойга муҳтож гражданларга ижарага бериб, меҳнатсиз даромад олиб келмоқдалар. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва уларнинг тегишли органлари турар жойларни ижарага берадиган шахсларни аниқлашлари ва бу шахслар қонун талабларига қатъий риоя этишларини таъминлашлари лозим. Турар жойларни алмаштиришда ҳам суиистеъмолларга йўл қўйилмоқда. Бу масалада тегишли тартиб ўрнатилиши, ҳуқуқий актларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши талаб қилинади.

Маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, медицина, коммунал хўжалик ва бошқа бир қатор соҳаларда тамагирлар кўп учрайди. Тамагирлик билан шуғулланувчи йиғмачиларга қарши кураш ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг имкониятлари бир мунча чекланган, чунки тамагирлик фактлари тўғрисида гражданлар кўпинча тегишли органларга хабар беришмайди. Бундай фактларга қарши кураш муваффақияти, асосан, гражданларнинг активлигига ва идора раҳбарларининг принципиаллигига боғлиқдир.

Қабул қилинган қарорларда колхоз бозорларидаги тартибсизликларни туғатишга катта эътибор берилган. Бозор маъмурияти ва милиция ходимлари бозорларга ин қуриб олган чайқовчи унсурларга нисбатан муросасозлик қилиб келаётганини рўйрост айтиш керак. Олибсотарларни колхоз бозоридан қисиб чиқариш пайти келди. Бироқ олибсотарлар ва чайқовчилар фаолиятига чек қўйиш халқ кўплаб талаб қиладиган молларни кенг миқёсда сотишни ташкил этишда комиссион савдонинг аҳамиятини, матлубот кооперациясининг ролини оширишни тақозо қилади.

Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида қабул қилинган қарорларда суд, прокуратура, ички ишлар органларининг фаолиятини яхшилаш лозимлиги таъкидланди. Бу органлар ўзларининг бутун ишида доимо жамоатчиликка таянишлари, меҳнат коллективлари билан мустаҳкам ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари керак. Айни пайтда меҳнатсиз даромадлар олишга қарши умумхалқ кураши эълон қилинди. Партия ва халқ шу иллатга қарши курашга отлантиришлари зарурлиги таъкидланди.

Бу курашда муваффақиятларга эришиш учун тегишли моддий ва ташкилий шароитлар яратилиши муҳимдир. Ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кучайтириш, аҳолига зарур эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, квартираларни бевосита буюмлари сотишни кенгайтириш лозим бўлади.

Гражданлар даромадларининг қонунийлиги устидан назорат қилиш турларидан, масалан, декларация системасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ўн минг сўмдан ортиқ суммага битим тузаётган, шунингдек, қиймати 20 минг сўмдан ортиқ бўлган уй (дала ҳовлиси) қураётган гражданлар молия органига ана шу маблағларнинг манбалари тўғрисида декларация тақдим этишга мажбурдирлар. Декларация ижроия комитет ёки прокурорнинг талаби бўйича ҳам тақдим қилинади. Ўз даромадларини ошириганлик ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Гражданларнинг даромадлари устидан давлат контролининг бундай формаси мамлакатимизда биринчи марта жорий қилинмоқда. Ўз маблағларини ҳалол меҳнати ёки қонуний йўл билан топган гражданлар бундай контролдан норози бўлмайдилар, албатта. Текширишлар зарурат туғилган ҳоллардагина қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Бундан ташқари, партия XXVII съездига қилинган Сиёсий докладда таъкидланганидек, ҳалол меҳнати билан қўшимча ҳақ олувчи гражданлар шубҳа остига олинмаслиги керак.

Меҳнатсиз топилган даромадларга қарши кураш социалистик давлатнинг муҳим функциясидир. Бу курашни кампанияга айлантириб юбориш ва ўткинчи деб қараш хато бўлур эди. Совет халқининг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган қарорлар изчиллик билан амалга оширилади. Меҳнатсиз даромадларга қарши кураш —умумхалқ ишидир.

С. ИИГИТАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Атом энергетикаси умумиттифоқ министрлигини тузди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўрток Николай Фёдорович Лукониннинг СССР атом энергетикаси министри этиб тайинлади.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ДАСТЛАБКИ ТАҚДИМДАЕҚ

Владимир Светличний корхонамиздаги илғор бригада бошлиқларидан. Унинг йириклаштирилган комплекс бригадаси съездолди меҳнат беллашувида ғолиб чиқди. Коллективга КПСС XXVII съезди номи берилган. Бригада аъзолари 97 кишидан иборат. Улар юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашда олдинги сафда бормоқдалар. Бригададошлардан 21 киши ҳозир маҳсулотларни биринчи тақдимдаёқ сифатли топширишга эришяпти.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводи катта инженери.

ЎН КУНЛИК ҒОЛИБЛАРИ

Заводимизда ҳар ўн кунда социалистик мусобақа якунлари чиқариб турилади. Кейинги ўн кунликда А. Талакеев, Н. Хўжамуродов, Ж. Давлетбоев бригадалари ғолиб чиқдилар. Завод коллективи олти ойлик планни барвақт бажарди. Тола тайёрлаш юзасидан олинган мажбурият ортиғи билан адо этилди. Пландан ташқари 13 процент миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди.

М. ҚУРБОНБОЕВ,
Қорақалпоғистон АССРдаги Хўжайли пахта тозалаш заводи ишчиси.

* * *

Редакция бухоролик Х. Тожиева, наманганлик К. Охунов, А. Халилов, Т. Сулаймонов, сирдарёлик Т. Остонақулов, қорақалпоғистонлик Э. Ергалиевлардан ҳам ишчи коллективлари зафарлари ҳақида хат-хабарлар олди.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

ХАЁЛГА КЕЛМАГАН РЕЗЕРВЛАР

Маълумки, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш материал ва энергетика ресурсларини тежамай туриб эришиб бўлмайди. Бу анча мураккаб вазифа, аммо уни амалга ошириш жуда муҳим. Бунинг учун ҳар бир участка, цех, ҳар бир иш жойида пухта ўйланган иш плани, қаттиқ интизом, изланиш ва ижодкорлик керак бўлади. КПСС XXVII съездида уқтириб ўтилганидек: «Корхонада меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришни яхшилаш, интизом ва талабчанликни ошириш билан жиддий шуғулланилса илгари ҳаёлга ҳам келмаган резервлар аниқланади». Шу мақсадда корхона раҳбаридан тортиб оддий хизматчигача — барчанинг диққат-эътибори камёб ва биронта ишлов берадиган станок усти ҳаракатга келмайдиган нарса — металлни тежаш йўлларини кидириб топишга қаратилди. Бунинг учун участка, цех, хуллас, барча бўлинмаларнинг ахборотлари, фикр-мулоҳазалари эшитилди ва атрофлича ўрганиб чиқилди. Уларда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар салмоғини камайтириш, сифатини ошириш, металлни тежашга хизмат қиладиган янги прогрессив технологик жараёнларни амалга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар кўтарилган эди. Маъмурият ана шундай қимматли таклиф-мулоҳазаларга таяниб, коллектив олдига мавжуд техника, механизмларни қўйпайтирмай туриб, кам меҳнат сарфлаган ҳолда мамлакатга янада юқори сифатли ва кўпроқ маҳсулот етказиб бериш вазифасини қўйди. Маҳсулотнинг сон жиҳатдан ошиши, сифатлилигидан эса завод моддий рағбатлантириш фонди кенгаяди ёки бундан икки томонлама — давлат ҳам, ишчилар ҳам манфаат кўрадилар.

Шу йил иккинчи кварталдан бошлаб фрез (деталь)ларнинг дум қисмини штамповкалаш жараёни ўзлаштирила бошланди. Бундай усул металлни тежашда жуда қўл келмоқда. Штамповкалаш туфайли 5,3 тонна тезқирқар металлни тежаш мумкинлигини тажриба кўрсатди. Бу — қўшимча 72 минг сўмлик деталь ишлаб чиқариш имконини беради. Мазкур маблағ эса ана шу самарали жараённи такомиллаштиришга сарф қилинади.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида чиқарилаётган ускуналарнинг структурасини такомиллаштириш, самарали темирчилик-пресслаш, металл қирқиш ускуналарининг янги турларини тайёрлашни анча кўпайтириш вазифаси қўйилгани бежиз эмас. Корхонамизда яратилган металлни янгича қирқиш усули тежамкорлик юзасидан белгиланган тадбирларимизни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Жумладан, ҳадемай, сим чивиқларни одатдаги механик аррада қирқиш прессда қирқиш усули билан алмаштирилади. Бундай усул эса уч квартал давомида 1,5 тонна металлни тежаш ва қўшимча 14 минг сўмлик фрез ишлаб чиқариш имконини яратади.

ТОШКЕНТ АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИДА ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ САРФЛАМАСДАН ТУРИБ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ ҲАЖМИ ОШИБ БОРИШИГА ЭРИШИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Айни пайтда «Булат» қурилмаларида ишлаб чиқарилаётган асбоблар юзаси тез сийқаланмайдиган чидамли металл билан қопланмоқда. У ҳадемай кўплаб ишлаб чиқарила бошланади. Шу йил охиригача шундай асбоблар тайёрлаш ҳажми 500 минг сўмликка етади. Деталга титан нитрити заррачаларини пуркаш орқали ҳосил қилинадиган ана шундай қоплама туфайли асбоблардан фойдаланиш чидамлилик даражаси 1,5—2 баравар ортади. Ҳозиргача учта «Булат» қурилмаси ремонт қилинди. Янги технологик жараён ҳаётга татбиқ этилишидан завод қўшимча 200 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарадиган бўлади. Бундай натижага эса қўшимча тезқирқар пўлат сарфламасдан эришилади.

Шу йил январь ойидан ўртача ҳароратда уч қиррали фрезлар ишлаб чиқариш жараёни ўзлаштирила бошланди. Бундай усул асбобнинг ихчамлилигини 5—10 процент оширишга ёрдам беради. Иссиқ усулда ишлов бериш йўли билан 300 минг сўмлик фрез ишлаб чиқарилади. Юқоридаги тадбирнинг шарофати туфайли жорий йилнинг қолган ойлари давомида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 10 минг сўмлик ўсишига эришилади. Йилнинг иккинчи ярмида эса шу асосда маҳсулот ҳажмининг ўсиши 15 минг сўмни ташкил этади.

Маҳсулотнинг сифатини оширишга мўлжалланган тадбирлар сирасига қувурларга резьба очадиган доиравий плашка (асбоб)га пардоз бериш, яссилаш каби жараёнларни ҳам киритиш мумкин. Плашка резьбасини яссилаш уни иссиқлик билан ишлов беришга қадар амалга оширилади. Бундай усул эса резьбаларнинг юзини чиниктиради ва уларнинг узоқ йил бенуқсон ишлашини таъминлайди. Ўз-ўзидан маълумки, асбобнинг чидамлилик ва резьба очишдаги аниқлик даражаси ошганлиги ҳисобига унинг қиймати ҳам ортади. Яъни, аввалги таннарх қиймати қўшимча 13 процент ошади. Ушбу янгилик туфайли ишлаб чиқаришда 190 минг сўмлик ўсишга эришилади. Демак, ишчилар ижодкорлигига имконият яратиб берилса, янгиликлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлансагина амалий натижага эришиш мумкин экан.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган тадбирларни амалга оширишдан завод пландан ташқари ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришади. Бироқ булар барча имконият ва ресурслардан тўла фойдаланилди, деган гап эмас. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида жуда тўғри таъкидланганидек: «Беш йилликнинг биринчи йили, зўр ғайрат билан меҳнат қилиш, ҳар бир раҳбар ва ҳар бир коллективни ишда синаш йилидир. Биз ана шу синовга бардош беришимиз, экономиканинг ҳамма резервларини ишлаб чиқаришга жалб этишимиз, бундан буён туб ўзгартишлар негизини мустаҳкамлашимиз керак». Корхонамизда талай резерв ва имкониятлар бор, жумладан, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнатни ташкил этиш, планлаштиришни яхшилашда мақбул вариантларни танлаш умумий ишимизга катта наф етказган бўлур эди.

Жадаллаштириш талабларини ўринлатиш учун ҳар бир ишчи ўз жойида ишга давлат нуқтаи назаридан қараши, ўзини заводнинг хўжайини деб ҳис этиши даркор. Янгиликка интилиш, самарадорликка эришишдаги изланишлар эса ижодий жараёндир. Бинобарин, унинг маҳсули коллектив ҳар бир аъзосининг куч-ғайратига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

М. ГАЛЯУТДИНОВ,
Тошкент асбобсозлик заводи директори.

Чет эллада

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

СССР қуролсизланиш соҳасида ўзининг кенг қамровли ҳаракат программаси билан инсониятни ядро ҳалокати хавфидан халос этиш муддаосини амалда намойиш этмоқда, деб ёзади Болгарияннинг «Отечествен фронт» газетаси. Август ойининг бошларида Совет Иттифоқи ҳар қандай ядро портлатишларини ихтиёрий равишда тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори жорий этилганига бир йил тўлишини эслатиб, газета шуни таъкидлайдики, АҚШ маъмурияти бундай тадбирга қўшилишдан бош тортибгина қолмай, шу билан бирга Невада саҳросида ўзининг ядровий синовларини давом эттириб, жаҳон афкор оммасига намойишкорона дағдаға ҳам қилмоқда.

Чет эл матбуотининг кўпгина органлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг махсус мажлиси тўғрисида хабар беради. Ана шу мажлисда Чернобиль АЭСидаги авариянинг сабабларини текшириш натижалари тўғрисида ҳукумат комиссиясининг доклади муҳокама қилинди. Япониянинг «Асахи» газетаси шу муносабат билан СССРда авария оқибатларини тез-роқ бартараф этиш, атом электр станцияларининг пухта ва бехатар ишлашини таъминлаш, совет атом энергетикасини янада ривожлантириш соҳасида кўрилган чора-тадбирларга алоҳида эътиборни қаратади.

Жаҳон матбуоти Жанубий Африка Республикасидаги аҳвол тўғрисидаги ва Ғарб мамлакатларининг апартеид режимига нисбатан тутаётган позицияси ҳақидаги мавзуларни ҳамон ёритмоқда. Англиянинг «Таймс» газетаси АҚШ президенти Рейган Преторияга қарши қаттиқ иқтисодий ва дипломатик жазо чоралари кўрилишидан воз кечишни аввалгидек талаб қилиш ниятида эканлигини хабар қилади.

Газеталар шуни таъкидламоқдаки, Англия ҳукуматининг ЖАР ирқчи режимига нисбатан самарали чоралар кўришни истамаётганига қарши норозилик белгиси сифатида ҳамдўстлик мамлакатларининг Эндибургдаги ўйинларида қатнашмаслик тўғрисида қарор қабул қилган 24 давлат қаторига Ҳиндистон каби катта ва нуфузли мамлакат ҳам қўшилди.

Матбуот Москвада ниҳоясига етган Яхши ният ўйинларига катта эътибор бермоқда. Москва шуни таъкидламоқдаки, ядро асрида халқаро проблемаларга шундай ёндашув бирданбир мақбул ва реалистик ёндашув, деб ҳисобланиши мумкинки, бунда ҳар бир мамлакатнинг ўз ички ишларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи эътироф этилади, куч ишлатиш мустасно қилинади, сабр-тоқат ва вазминлик кўрсатилади, ҳар бир томоннинг қонуний манфаатлари ҳурмат қилинади, деб ёзади Японияннинг «Акахата» газетаси Яхши ният ўйинларининг сиёсий аҳамияти тўғрисидаги мақоласида.

(ТАСС).

СОВЕТ ТЕХНИКАСИ ЁРДАМИДА

Будапештдаги физика тадқиқотлари марказий институтининг олимларига Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган Р-45 типидаги дастлабки электрон-ҳисоблаш машинаси фойдаланиш учун топширилди. Янги электрон-ҳисоблаш машинаси ўрнатилиши ВХРда ҳисоблаш техникасини ривожлантириш кенг кўламли программасининг бир қисмидир. Янгилик ядро физикаси, атом энергетикаси, микроэлектроника ва қаттиқ жисмлар физикаси соҳасидаги илмий тадқиқотлар учун мўлжалланган. Шу беш йилликда Венгрия институти ходимлари ҳисоблаш машиналари паркини анча кенгайтиришни мўлжалламоқдалар. Келгуси йилларда «СССРда тайёрланган» тамғаси туширилган яна бир янги типдаги электрон-ҳисоблаш машинаси ўрнатиш кўзда тутилган.

(ТАСС).

ЧИЛИ. Сантьяго шаҳрида Чили меҳнаткашлари миллий раҳбарлиги кенгаши ташаббуси билан намойиш ўтказилди. Пиночет ҳукмдорлигининг қонҳўр ҳимоячилари унинг қатнашчиларини қаттиқ жазоладилар. Тиш-тирноғигача қуроллангган «посбон»лар намойишчилар колоннасига қарата кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган гранаталар улоқтирдилар.

СУРАТДА: қўлга олинган намойиш қатнашчиларидан бири. АП—ТАСС телефотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ДЕҲЛИ

Бу ерда шу йилнинг апрель-май ойларида Ҳиндистон экономикасининг ривожланиши ҳақида расмий маълумотлар эълон қилинди. Шу давр мобайнида республикада пўлат эритиш, кўмир, нефть қазиб олиш ва ўғит ишлаб чиқариш анча кўпайди. Мамлакатнинг иссиқлик ва гидроэлектростанциялари 32 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилдилар. Бу ўтган йилги даражадан анча кўпдир. Ҳиндистон темир йўл транспортининг иш унумдорлиги ортди. Апрель ойининг ўзидагина мамлакатнинг пўлат магистралларида 21 миллион тонна турли юк ташилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 12 процент кўпдир. Маҳаллий матбуот экономика давлат секторининг корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари барқарор эканлигини таъкидлаб ёзмоқда, давлат сектори қора ва рангли металлар, энергетика ускуналари ва саноат маҳсулотининг бошқа турларини ишлаб чиқаришда илғор позицияларни эгаллаб турибди.

* * *

Нефть ва табиий газ бўйича Ҳиндистон комиссияси мутахассислари Жайсалмер районида (Ражастхон штати) янги «зангори олов» конини топдилар, «Пэтриот» газетасининг хабар беришича, бу коннинг запаслари 540 миллион куб метрдан ҳам ортиқроқ, деб ҳисобланмоқда. Бу янги истиқболли коннинг ишга туширилиши Ражастхоннинг олис районларида қурилиши мўлжалланаётган саноат корхоналари ва иссиқлик электростанцияларини ёнилғи билан таъминлашга имкон беради.

✦ ЛОНДОН

Буюк Британияда — «Круиз Резистанс Нетуэрк» урушга қарши ташкилотининг даъватига биноан мамлакат территориясида Американинг биринчи зарба беришга мўлжалланган ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши умуммиллий норозилик намойиши бошланди. Минглаб инглизлар қанотли ракеталарни жойлаштириш давом эттирилишига қатъиян «йўқ қўймаймиз!» деб айтиш учун Кўшма Штатларнинг 160 та ҳарбий базаси ва объекти атрофини ўраб олдилар. Оммавий намойишлар, митинглар ва Америка ҳарбий объектларини ўраб олиш йигирма тўрт соат давом этди.

✦ ТОКИО

Жанубий Корея охранкаси оппозиция раҳбарларидан бири Ким Тэ Чжунни уйидан чиқармасликка яна ҳукм қилди. Охранка бу билан Ким Тэ Чжунни Жанубий Кореяда демократик ўзгаришлар учун курашаётган етакчи ташкилотлардан бири — демократияга кўмаклашиш кенгаши уюштираётган сиёсий тадбирларда қатнашишига йўл қўймаслик мақсадида, унинг уйини мунтазам назорат қилиб турибди. Мазкур ташкилот америкапараст Чон Ду Хван режимини ағдариб ташлаш учун курашаётган етакчи ташкилотлардан биридир. Ким Тэ Чжун шу ташкилотнинг ҳамраисидир.

(ТАСС).

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ ҲАМОН КЕСКИН БЎЛИБ ТУРИБДИ

БАЙРУТ. Исроил жазо отрядлари ва унинг қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»га мансуб гумаштолари жойларни тинтиб чиқиш борасида катта қўламда операция ўтказдилар. Сарбин, Айната ва Ятер қишлоқларида оммавий тинтувлар ўтказилди. Кфар-Румман ва Араб-Слим қишлоқлари ваҳшиёна тўпга тутилди. Босқинчилар шундай чоралар билан Ливан халқининг хоҳиш-иродасини бостиришга ва уни ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашдан воз кечтиришга уринмоқдалар.

Ўтган кунлар қарама-қарши гуруҳлар ўртасида отишмалар кучайди. Байрутда, юқори Метнада ,Сук Ал-Ғарб, Кфар-Шима ва Айтат аҳоли пунктлари районида гранатомет ва милтиқ отишмалари бўлди.

Ғарбий Байрутда осойишта вазият сақланмоқда. Маъмурият ваккиллари яқин фурсатда Ливан пойтахтининг Шиа аҳолиси яшайдиган жанубий чеккаларида хавфсизликни таъминлаш режаси амалга оширила бошланиши кераклигини эълон қилдилар. «Амал» ҳаракатининг раҳбари Н. Берри ўз ташкилотининг ҳамма аъзоларига шу планни амалга оширишда ёрдам бериш тўғрисида кўрсатма берди.

Ливан ватанпарварлари исроиллик босқинчиларга зарба устига зарба бериб турибдилар. Партизанлар кеча ғарбий Бекаадаги Ахмадия қишлоғи районида босқинчиларнинг мустаҳкамланган позициясига ҳужум қилдилар. Жанглар чоғида душман аскар ва техникасидан сезиларли талафот берди.

(ТАСС).

САМАРҚАНД. Каттақўрғон бўрдоқичилик комплексининг Шоймардон Ботиров бошлиқ бригадаси аъзоларига кўчма вимпел ва пул мукофоти топширилди. Аҳил коллектив йил бошидан буён давлатга 134 тонна қўй гўшти етказиб берди. Ҳар бош қўйнинг оғирлиги ўртача 43 килограммга тўғри келди.

Бу — аввало комплекснинг коллектив наряд асосида ишлашга ўтганлиги самарасидир. Қолаверса, мўл озуқа базасининг яратилиши муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Биринчи ўримдаёқ мавжуд 230 гектар бедадан 50 центнер хашак олинди. Озуқа мўл бўлгач, чорвачилик маҳсулотлари ҳам шунга яраша бўлади. Давлатга 1247 тонна деярли биринчи категорияли гўшт етказиб берилди. Бу планда кўзда тутилганидан 25 тонна кўп демакдир.

Суратларда: 1. Бўрдоқичилик комплексининг умумий кўриниши. 2. Бригада бошлиғи Шоймардон Ботиров (чапда) ва оператор Адайбой Саксонбоев. 3. Беда ўрилаётган пайт.

Р. Ғафуров фотолари. (ЎзТАГ).

ХАТ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

«Мен оддий ишчиман. Меҳнатим, турмушимдан мамнунман. Яқинда уйландим. Севганим билан «Бахт уйи»га бордик. Бизга бахт тилаб, қўлимизга қўша қариш гувоҳномасини тутқазган ЗАГС мудирасининг кўзларидаги мунг, истироб ўйлантириб қўйди мени. Бу истиробни мен кейинроқ англадим. Ҳаммага бахт, толе тилаётган аёлнинг етти фарзанди бўла туриб оиласи нотинч экан. Нега шундай? Ҳолбуки, бу болаларнинг отаси каттагина лавозимда ишлар экан. Уз фароғатини ўйлаб, оилани бадном қилаётган бундай коммунист қаердан пайдо бўлди?

Ҳозир ҳамма ерда инсон омилига алоҳида эътибор бериляпти. Инсоннинг инсонга лоқайдлиги, меҳрсизлиги шунчаки гап эмас, балки бизнинг бахтсизлигимиз эканини таъкидламоқчиман. Ахир, партиямизнинг XXVII съездида бу гаплар баралла айтилди-ку...

Аёлларнинг бахти кўпинча биз, эркакларнинг қўлида эканини, уларнинг кўп изтироблари кўпинча биз туфайли эканини ўйлаб кўрмаймиз.

«Бахт уйи» остонасига қадам босиб, гувоҳнома олаётганларнинг ҳаммаси ҳам тотув яшаб кетяптими? Ажралишлар қаёқдан пайдо бўляпти. Бу борада хотин-қизлар советлари қандай фаолият кўрсатяпти.

Қолган гапларни келганингизда айтаман.

Эҳтиром билан:
М. МУҲАММАДЖОНОВ.
Денов шаҳри».

ЛОҚАЙДЛИК

ОНАЛИК— МУҲТАРАМЛИК

Республика хотин-қизлар комиссиясининг йўлланмаси билан Деновга йўл олдик. Ёш ишчи Муҳаммаджонов билан учрашиб, қайта қуришнинг бориши билан боғлиқ бўлган умидлари ва ташвишларини баҳам кўргани учун ундан миннатдор бўлдик.

Она она бўлгани учун давраларнинг тўрида ўтиради. У сўзлаган гурунгларга файз киради. Оналик партия ва ҳукуматимизнинг ардоғидадир. Шунинг учун ҳам оналик — муҳтарамликдир бизда. Бизнинг жамиятимизда кўз очиб дунёга келган гўдакни мунаввар олам, умидли келажак, партия ва ҳукуматимизнинг ҳадсиз ғамхўрликлари кутиб олади.

Афсуски, ҳаётнинг беғубор, улкан денгизида хаслар ҳам кун кўради. Оила бахтини ўз маишати, манфаати йўлида қурбон қилувчилар ана шундай. Хаслардир. Уларни териб ташламоқ, ҳаёт денгизини тозаламоқ бурчимиздир.

Ортиқ Абдураҳмоновга ўхшаган айрим оталар оилани ҳам, болаларни ҳам алиментнинг арзон тарозисига солиб тортади, ўз манфаати йўлида болаларининг кўз ёшларини майда, чақаларга алиштириб кетаверади. Ортиқ Абдураҳмонов Денов шаҳар ЗАГС бўлимининг мудираси, 7 боланинг онаси Розияхон Абдураҳмоновнинг умр йўлдоши. Партия аъзоси, район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

Мана, шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. Қудинова ва партия ташкилотининг секретари К. Атауллаевнинг Р. Абдураҳмоновага берган характеристикаси:

«Розия Абдураҳмонова 1952 йилда туғилган. Партия аъзоси. 1972 йилдан буён Денов шаҳар ЗАГС бўлимининг мудираси. Ўз вазифасига садоқатли. У маҳаллаларда аҳоли ўртасида янгича анъаналарнинг қарор топиши учун докладлар қилиб туради. Коммунист сифатида шаҳар ижроия комитетига яқиндан ёрдам беради. Партиявий топшириқларни бажонидил ва пухта ado этади. У ЗАГСдаги намунали хизматлари учун бир неча марта республика Юстиция министрлигининг Фахрий ёрлиқларини олган».

Розияхоннинг суҳбатида бўлганимизда бизга яна кўп нарсалар аён бўлди. О. Абдураҳмонов билан Розияхон 1970 йилда турмуш қуришган. Очиқ кўнгил Розия О. Абдураҳмоновнинг аввалги хотинидан қолган икки нарасида боласини тарбиялаб сафга қўшди.

Йиллар ўтиб ўзи ҳам беш ўғил-қиз кўрди. Етти фарзандни оқ ювиб-оқ таради.

Кейинчалик маълум бўлишича «қаҳрамонимиз»нинг Жарқўрғонда яна бир хотини бўлиб, ундан ҳам фарзанди бор экан. Ачинарлиси, Розияхон кунига ва кунора калтаклананверди. Натижада у қаттиқ жароҳатланиб, касалхонага тушди. Денов шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи К. Қаршиевнинг ёзма кўрсатма беришича, О. Абдураҳмоновнинг оддий инсон сифатидаги қиёфаси ҳам кишининг нафратини қўзғатади. Унинг ўз рафиқаси шаънига қилган бўҳтонлари қонунчилик томонидан қаттиқ қораланди...

Розия кечалари маст бўлиб келган ёки икки-уч кунлаб келмай юрган эрининг қилмишларига узоқ чидади. Лекин узлуксиз калтаклар, ҳақоратлар унинг сабр косасини тўлдирди. Нажот сўраб эри бошчилик қилаётган бирлашма партия ташкилотига ариза ёзди.

У ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан ўқир, чақалоғини бағрига босиб ўқишга, имтиҳонга қатнарди.

«Лекин ўқишим аро йўлда қолди, — дейди Розия.— Оилавий можароларимни деб... дарсларни кўп қолдирдим. Ҳеч ким менинг аҳволим билан қизиқмади, ҳолинг нима кечяпти, деб сўрамади. Мени 5-курсда ўқишдан маҳрум қилишди. Бунинг устига болаларимнинг отаси янги топган «кўнгил хуши» билан мақсадига етиш учун устимдан шу қадар бўхтон гапларни ёзишди-ки, текшир-текширлардан бошим айланди... Мени арақхўр деб ёзишди. Текширилди. Тасдиқланмади. Сўнг пораҳўр деб ёзишди. Тасдиқланмади. Лекин бу текширишлар менинг соғлиғимни кемирди».

Бола тарбияси, уй юмушлари фақат аёл кишининг эмас, отанинг ҳам вазифаси. 10 та болани дунёга келтириш қаҳрамонлик эмас, уларни едириш, ичириш ҳам қаҳрамонлик эмас, болаларнинг маънавий оламини ўйлаш, уларни жамиятга, халқимиз хизматига яроқли инсонлар қилиб тарбиялаш қаҳрамонликдир.

Оталар ўз вазифасига лоқайд қараган жойда оналарнинг кўз ёши тўкилиши табиий. Биз аёлларнинг кўз ёши эгатларда, уватларда, қозон-товоқлар орасида тўкилиб қолмаслигининг тарафдоримиз. Унинг ҳаёти завқли бўлсин. Агар аёлнинг кўнгли ўсса, рўзғоридан, ишидан мамнун бўлса бирор жойга ариза кўтариб бормайди. Ўз оилосининг эса маликасига айланади.

Абдураҳмонов болабезор. Судга Розия билан ажралиш ҳақида ариза ёзар экан, қасам ичди:

«Мен хотинимга 3000 сўмлик заём ва 2000 сўм пул бердим. Болаларим Нигора, Нодира, Наргиза, Лочинбек, Севарага нафақа тўлайман».

Наҳот болаларнинг кўз ёши пулга, заёмларга сотилса!

Калтаклар зарбидан қовурғаси синган Розияхоннинг аризаси бўйича О. Абдураҳмоновнинг иши 8 ой тергов қилинди. Иш судга ошай деганида О. Абдураҳмонов Сариосиё район ва Денов шаҳар терговчиларининг ишидан норози бўлиб, эътирознома ёзди. Чунки у жавобгарликка тортилиши керак эди. Шундан сўнг унинг иши қайта тергов учун Олтинсой районига оширилди.

Розиянинг умр йўлдоши устидан ёзган аризаси бўйича биз партия ташкилотининг секретари Турсуной Бўтаеванинг ҳузурига бордик. Т. Бўтаева бирлашма раҳбарининг оилавий ишини партия мажлисида коммунистлар муҳокамасига қўйди, О. Абдураҳмонов мажлисда «оилам билан ярашаман», деб сўз берди. Бироқ ўзи партком секретари Т. Бўтаеванқ четлатиш планларини туза бошлади. Аёлнинг уйига, эрига узлуксиз телефонлар қилдирди. «Хотинингни йиғиштириб ол» қабилида туҳматлар ёғдирди. Узлуксиз таъқиблардан сўнг шу йилнинг 3 январида Т. Бўтаева «ўз аризасига кўра» ишдан бўшатилди. У ҳозир Ҳазорбоғ районида тикувчилик цехида мастер бўлиб ишлаяпти. Бугина эмас— Т. Бўтаеванинг кўргиликлари яна давом этаверди. 16 май куни Т. Бўтаева бирлашмага пул топширгани келганида О. Абдураҳмоновнинг ҳамтовоқлари унинг иззат нафсига тегадиган ҳақоратларни ёғдиришди. Сўнг уни ҳам худди Розияни калтаклагандек калтаклашди. Акт тузилди. Милиция чақирилди. Иш тергова оширилди. Медицина хулосасига кўра, Турсуной қаттиқ жароҳат олган.

Р. Абдураҳмонова ҳам, Т. Бўтаева ҳам жамоат ишларида актив қатнашаётган, элнинг эътиборидаги аёллар. Лекин уларни куппа-кундузи одамлар орасида калтаклашса, ҳақорат қилишса, устидан бўҳтонлар тўқишса, уйига безориларча телефон қилишса, кўрқитишса, обрўйини тўкишса, милиция келса, ойлаб терговлар олиб борилаётган бўлса-ю, бу ишга шаҳар партия комитети ва унинг қошидаги хотин-қизлар комиссияси томошабин бўлиб тураверса?! Наҳот бу ишлардан уларнинг хабари бўлмаса?! Катта бир идоранинг раҳбари бўлган коммунистнинг ахлоқий, партиявий иши муҳокама қилинаётганда шаҳар партия комитети ўз вакилини юбормаса?!

Шаҳар партия комитетининг идеология бўйича секретари, хотин-қизлар комиссиясининг раиси Р. Турдиева бу ишлардан хабардор. Хотин-қизлар масаласи билан шуғулланиш бевосита унинг вазифаси. У бизга ўзи бошчилик қилаётган хотин-қизлар комиссиясининг фаолияти тўлақонли ва кўпқирали эканини ҳикоя қилди.

Турмуш маданияти мавзуида оғзаки журналлар, анъанавий кечалар, учрашувлар, ёш оилаларга қўлланмалар ва ҳоказолар қизиқарли ташкил этилаётгани ҳақида сўзлади. Қўз олдидаги инсон тақдирига, кўп болали жафокаш она қисматига лоқайдлик билан қараб, баландпарвоз, фақат кўргазма учунгина қилинаётган бундай тантанали тадбир, семинарлардан нима фойда?

Розия Абдураҳмонова билан Турсуной Бўтаеванинг иши хотин-қизлар комиссиясида кўрилмади. Т. Бўтаеванинг ҳикоя қилишича, у ёрдам сўраб, ўз бошлиғининг кирдикорларини айтиб шаҳар партия комитетига, шахсан Р. Турдиевага, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Рустамовга мурожаат қилган. Ойдаси бўлмади. У «ўз аризасига биноан» ишдан бўшашга мажбур бўлди.

...КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

«...Айрим партия ташкилотлари ахлоқий бузилган раҳбарларни ҳимоя қилишга, уларни жавобгарликдан сақлаб қолишга уринмоқдалар».

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида айтилган гаплар Денов шаҳар партия комитети фаолиятига ҳам дахлдордир. Негаки, қўнимсиз, маишатбоз, ўз мансабини суиистеъмол қилувчи О. Абдураҳмонов йиллар давомида бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказиб қўйилмоқда. Истаган номаъқулчилигини қилса ҳам таноби тортиб қўйилмаяпти.

Мана, унинг таржимаи ҳоли: 1971 йил июнда давлат мулкини сақлашдаги совуққонлиги ва ҳушёрликни йўқотганлиги учун партия ташкилоти томонидан учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан олган. 1972 йилда эса раҳбарликни таъминлай олмагани учун ишдан олинган. Олинган-у шаҳар коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимига қўйилган. Бу ерда ҳам шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан олди. Ишдан бўшади. Шўрчи ун комбинати бош инженерининг кадрлар тайёрлаш бўйича ўринбосари қилиб қўйишди. Ҳали ишга кўникиб улгурмай, 6 ойда комбинатда информатор-экономист бўлиб олди.

1982 йилнинг ноябрь ойидан комбинат план-экономика бўлимининг бошлиғи лавозимига ўтказилди. 1984 йил январда ишдан кетди. Ҳозирги навбатдаги амал курсисига — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи лавозимига ўтказиб қўйишди. Лекин бу ерда у ишларни қандай ташкил қилди?

Мана, қўлимизда область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси контролревизия бўлимининг справкаси. Бунда Абдураҳмонов бошқараётган бирлашманинг молиявий ишларини текшириш натижалари қайд қилинган — 1985 йилда бирлашма 919,3 минг сўмлик иш бажарилди, деб ҳисобот беради. Амалда эса 610,2 минг сўмлик иш бажарилгани, 309,1 минг сўм қўшиб ёзилгани аниқланган. Шундай қилиб, 1985 йилги план бажарилмаган. Ҳисоботдаги рақамлар амалда бажарилган рақамларга мутлақо тўғри келмагани тасдиқланган. 1986 йилги иш планларида ҳам қўшиб ёзишлар содир бўлган.

Шаҳар халқ контроли комитети Абдураҳмоновнинг икки ойлик иш ҳақини давлат фойдасига ўтказди. Қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Унинг иши маъмурий органларга оширилди.

Меҳнат ва уруш ветерани, шу бирлашма кадрлар бўлимининг бошлиғи, коммунист О. И. Дранецнинг ҳикоя қилишича, бу раҳбар ўзига ёқмаган, адолатни ёқлаб, фикрига қарши гапирган шахсларни таъқиб қилаверган, ишдан бўшатган. Ўзи эса кабинетга кўрпа-тўшак олиб келиб ётиб олган, маишатбозлик қилган. Мана, 1986 йил 15 январда унга берилган антиқа характеристика: «Абдураҳмонов партия аъзоси, олий маълумотли. 1965 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. У қаерда ишламасин ўзининг ишчанлиги, актив ташкилотчилигини намойиш қилиб келган...» ва ҳоказо. Характеристикага область ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи С. Ҳамроева жимжимадор имзо чеккан. О. Абдураҳмоновнинг иши терговда ва партия органлари томонидан текширилаётганини билса туриб С. Ҳамроева дам олиб келиши учун унга меҳнат отпускаси ҳам бериб юборган.

С. Ҳамроева мақтаган бирлашмада одамлар бир-бириданҳадиксирайди. Ёзишмалар авж олган. Коллективнинг ўн аъзоси ишдан бўшатилгани учун аризабозлик қилиб юрибди. Бир неча сотувчи эса фактурасиз савдо қилгани учун қўлга тушиб, иши тергова оширилди. Аслида фактурасиз мол чиқариш ҳам бошлиқнинг раҳбарлигида бўлган.

Шу кунларда О. Абдураҳмоновнинг ўзи ҳам ҳамтовоқлари билан тил бириктириб аризабозлик билан шуғулланмоқда. Лекин шаҳар партия комитети бу масалани ҳанузгача бюрода муҳокама қилгани йўқ. Асосий айбдорнинг таноби тортилмаяпти. Натижада аризабозларнинг сони тобора ортиб бораяпти.

Худди ана шу масалада биз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Рустамовга мурожаат қилдик. Ундан: «Биз уни ҳеч тополмаяпмиз. Соғ касал бўлиб олади, соғ уйида йўқ бўлади», деган галати жавобни олдик.

Масалага шу хилда лоқайдлик билан қаралса, иш шу зайлда кетаверади, аризалар, шикоятномалар, думалоқ номалар оқими қўпаяверади. Софдил одамлар ноҳақ жабр тортаверади. Шаҳар партия комитетининг позицияси ахир қачондир равшан бўлиши керак-ку!

Эътибор ОХУНОВА.

БАЙРОҚДОР ХЎЖАЛИКЛАРДА

БАЛИҚ ЎЗИ КЎПАЙМАЙДИ

● Сазан балиғи бир килограмм вазнга етиши учун беш килограмм озуқа талаб қилинади.

Тошкент областининг илғор хўжаликлари қатори Ғалаба районидаги «Балиқчи» эксперименталь-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам съездлар йили социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Меҳнатлари Ўзбекистон партия-ҳукуматининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган балиқчилар куч-ғайратларини ижодий ишлашга, резервлардан унумли фойдаланиш ва пировард мақсад учун актив курашга йўналтирдилар.

Юқоридаги натижага эришишнинг сабабини бир сўз билан айтганда, бу йилги муваффақият учун ўтган йили пойдевор яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бултур хўжалик белгиланган 4 миллион 200 минг сўм ўрнига 5 миллион 600 минг сўмлик соф фойда олди ёки пландан ташқари 2,5 минг тонна балиқ ишлаб чиқарди.

Шаҳарликларни кўпроқ, сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида изланаётган бирлашма аҳли апрель ойидаёқ ярим йиллик план топшириқларини адо этди. Биринчи квартал плани 112 процент бажарилди. Жами 3075 тонна балиқ реализация қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 180 тонна кўп, демакдир. Бир килограмм маҳсулот таннархи 55—60 тийинданга тўғри келди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 106,7 процент адо этилди.

Бу ютуқлар бирлашма меҳнатчилари КПСС XXVII съезди қарорларини изчил амалга ошираётганликлари, коллективда меҳнатни ташкил этиш ва зарур социал-иқтисодий шароитлар яратишга жиддий эътибор берилаётгани самарасидир, албатта. Бунда коммунистлар авангардлиги таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 1-балиқчилик участкаси ишига назар ташлайлик. Ун кишидан иборат звено аъзолари 40 гектар сув ҳавзасида балиқ етиштиришади. Балиқлар ҳар йил — дўнг пешана, карп, сазан, оқ амур, зеркальная зоомагазинлар учун тилла балиқ... Ўтган йили ҳар бир гектар ҳовуздан 55 центнердан маҳсулот олган звенога Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь революцияси, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ниишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор коммунист Н. Абдуллин етакчилик қилади. У йигирма йилдирки, ана шу касби ташвишлари билан яшайди. Меҳнаткашлар дастурхонига қандай қилиб семиз, кўп, сифатли балиқ тортиқ этиш йўлларини ўйлайди. Балиқчилар диққат-эътиборини энг юқори ҳосил олиш масалаларига қаратади. Шу боисдан ҳам коллективда давлат, план, меҳнат интизоми дуруст.

— Оиламизда балиқчилар сулоласи шаклланяпти, — дейди у. — Қизим, икки ўғлим ва куёвим ҳам шу касбни қилишяпти. Турмуш ўртоғим — Саима пенсияга чиққан бўлишига қарамай балиқ боқилаётган ҳавзалар атрофидан кетмайди — ёшларга маслаҳат бериб туради. Звеномизнинг бир неча йилдан бери илғорликни эгаллаб келаётгани З. Чиновбекова, В. Галактионов, Б. Алисаидов, Б. Раззоқов сингари ишчиларнинг ўз бурчларига виждонан ёндашаётганликлари туфайлидир. Шундай аҳил коллектив билан ҳар қандай маррага қоқилмасдан етиб олиш мумкин.

Четдан қараган кишига балиқ ўзи кўпайиб, ўзи катта бўладигандай кўринади. Аслида ундай эмас. Масалан, сазанни бир килограммга етказиш учун беш килограмм озуқа билан боқиш керак бўлади. Қаттиқ совуқда у безовта бўлади, яхши овқат емайди. Бунинг олдини олиш учун ҳовузларда сув белгиланган меъёрдан кам бўлмаслиги лозим. Овқат солинадиган махсус жойлардаги сувнинг ҳарорати эса илиқ бўлиши керак. Шунда жониворларнинг иштаҳаси очилади, этига эт қўшилади. Уларнинг тез ва бир текисда семиришлари учун эса озуқа ўз вақтида, рацион асосида бериб борилиши даркор.

Балиқ — нозик, айни пайтда тез кўпаядиган жонивор. Жўмладан, битта она сазандан 300—400 минг соғлом личинка олиш мумкин. Шу мақсадда она сазанлар 9—10 йилгача боқилади.

— СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг яқин истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишларида аҳолини тирик ва муздатилган балиқ билан кўплаб таъминлаш вазифаси бежиз қўйилмаган,— дейди бирлашма бош директори Ўткир Шукуров. — Чунки балиқ калория даражаси билан гўшт ва гуҳумдан кейинги ўринда туради. Ички сув ҳавзаларида балиқчиликни ва балиқ овлашни ташкил этишни қатъиян яхшилаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Уларни муваффақиятли ҳал этиш эса ресурсларни тўла ишга солиш, эътиборни пировард натижага қаратишни талаб этади. Биз ҳам шунга интиляпмиз. Яқинда ўстириш учун ҳавзаларга солинган 19 миллион балиқ личинкаси яхши ривожланяпти. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида бешта насос ўн иккитага етказилади. 8236 тонна балиқ тутилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилади.

Бирлашмада балиқ наслини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, буфало, сом, карп каби чет элдан олиб келинган балиқлар урчитиляпти. Бироқ хўжалик олдида маҳсулот реализация қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу, биринчи навбатда Тошкент области ва шаҳар Советлари ижроия комитетларининг савдо бошқармаларига тааллуқлидир. Юқоридаги адресларга жўнатилган дўнг пешана балиқлар кўпинча қабул қилинмайди. Масалан, ўтган биринчи квартал мобайнида савдо бошқармалари томонидан 412 тонна маҳсулот рад этилди. Апрель ойининг ўзидагина бу рақам 54 тоннани ташкил қилди. Гап шундаки, қайтариб юборилган маҳсулотни бошқа областлар ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиб олаётирлар. Аммо ортиқча оворагарчиликлар, бензин сарфи ва бошқа шу каби харажатлар бирлашма зиммасига тушаётганлиги факти билан келишиб бўлмайди. «Маҳсулотни нима учун қабул қилмаяпсизлар», деган саволга мутасадди ташкилотлар вакиллари «Дўнг пешана балиқларга талаб кам, сазан бўлса бажонидил» қабилида жавоб бермоқдалар. Сазанни етиштириш эса бошқа хил балиқларга нисбатан анча мураккаб эканлигини ҳисоб-га олганда юқоридаги жавобни қониқарли дейиш қийин. Бинобарин, шериклар ҳамиша бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаганларида гина иш олға силжиши мумкин.

Бригада пудрати усулида ишлаётган «Балиқчи» ишчи-хизматчилари КПСС XXVII съездида ўткир қилиб қўйилган масала — тежамкорликка қатъий амал қилишни программ вазифа деб билиб, йил давомида 3 тонна бензин, 2 тонна дизель ёнилғиси, 10 минг киловольт электр энергия ва бошқа материалларни тежаб қолиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳаракатда—баракат, деганларидек, бирлашма балиқчиларининг съездлар йили ҳосили йўлидаги меҳнатлари зафарли бўлаётир.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ХАЛҚҚА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ»

Газетамизнинг шу йил 40-сонида босилган юқоридаги сарлавҳали бош мақолада республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, айниқса, Жиззах ва Сурхондарё областларида хизмат кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканлиги, буюртмаларнинг бажарилиш муддатларига амал қилинмаётганлиги ва бошқа масалалар кўтарилган эди.

— Мақола область маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари раҳбарлари ва район Советы ижроия комитетлари раисларининг шу соҳа билан шуғулланувчи ўринбосарлари иштирокида кўриб чиқилди, — дейилади СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда, — мақолада камчиликлар тўғри кўрсатиб ўтилган.

Кейинги пайтда область ижроия комитети ва маҳаллий Советлар маиший хизмат кўрсатиш устидан назоратни бирмунча кучайтирди. Ижроия комитет мажлисларида ва область Советы сессияларида бу масала бир неча маротаба муҳокама этилди.

Тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Хизмат кўрсатиш нуқталари 1263 тага етказилди. Ҳозирги вақтда 106 та комплекс қабул пункти, 1079 та ателье ва устахона, 78 та маиший хизмат уйи аҳолига хизмат кўрсатаётир. Айниқса, қишлоқ жойларида бу тармоқни ривожлантиришга эътибор кучайтирилаётир.

Хизмат кўрсатиш формалари такомиллаштирилиб бориляпти. Уйда буюртма қабул қилиш ривожлантирилмоқда. Баъзи аҳоли пунктлари меҳнаткашлари ва чорвадорларга кўчма комплекс бригадалар қатъий график асосида хизмат кўрсатмоқдалар.

Маиший хизмат кўрсатиш тармоғини юқори поғонага кўтариш мақсадида область партия комитети ва область ижроия комитети ташаббуси билан ҳар кварталда битта районда шаҳар, район партия комитетлари секретарлари ва район, шаҳар Советы ижроия комитетлари раислари ўринбосарлари иштирокида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юзасидан семинар-кенгаш ўтказиб туриш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бироқ ҳали бу тармоқда шу вақтгача ҳамма масалалар ҳал этилмаган. Ун иккинчи беш йилликда бу соҳага эътиборни кучайтиришга тўғри келади. Область Советы ижроия комитети КПСС XXVII съезди қарорлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғидаги камчиликларни бартараф этиб, бу ишларни яхшилаш чора-тадбирларини кўраверади.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИДАН олинган жавобда қуйидагилар хабар қилинади:

— Ҳозирги вақтда область аҳолисига 46 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, 77 та комплекс қабул пункти ва 753 та ателье, устахона хизмат кўрсатаётир.

Колхозлар, совхозлар ва саноат корхоналари ҳисобига янгидан-янги объектлар қуриляпти. Масалан, кейинги уч йил ичида колхозлар ва совхозлар ҳисобига олтита маиший хизмат комбинати қурилди, совхозларда 31 та комплекс қабул пунктлари очилди.

Саноат корхоналарида маиший хизмат нуқталари ишлаб турибди.

Жиззах шаҳрида химиявий тозалаш фабрикаси, ҳаммомкир ювиш комбинати ва техник хизмат кўрсатиш станцияси, Октябрь ва Бахмал районларида тез химиявий тозалаш ательеси ва ҳаммом-кир ювиш комбинати, Ғаллороол, Зомин районларида радио-телеаппаратура ремонти устахонаси, Учтепа посёлкасида маиший хизмат уйи ва Зарбдор районида ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ишлаб чиқариш корхоналари замонавий технологик қурилмалар билан жиҳозланди.

Шу билан бирга область аҳолисига маиший хизмат кўрсатишда ҳали камчиликлар мавжуд. Бугунги кунда малакали кадрлар ва ҳоналар етишмаслиги туфайли 14 та совхозда маиший хизмат нуқталари очилмай турибди. Саноат корхоналарида маиший хизмат нуқталари ташкил этилмаган. Хизмат кўрсатиш маданияти, мутахассислар малакаси паст. Кўплаб бинолар мослаштирилмаган.

Область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва унинг ихтисослаштирилган бирлашмалари мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида бундан буён аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан аниқ тадбир ишлаб чиқди.

РЕДАКЦИЯДАН:

«Халққа хизмат — олий ҳиммат» сарлавҳали бош мақолага Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги бир неча бор эслатмадан кейин ҳам жавоб бермай келаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Министрликдаги баъзи масъул ходимларга матбуотнинг танқидий чиқишлари ва сигналларига бир ой ичида жавоб бериш шартлиги ҳақидаги партия ва ҳукуматимизнинг қарорини эслатиб ўтамиз.

МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДЛАРГА ҒОВ СОЛАЙЛИК

«ОЛХЎРИ» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ

Тошкент область Чиноз районида яшовчи ўттиз йиллик иш стажига эга бўлган собиқ ўрта мактаб ўқитувчиси Молдабек Қўлдасов эрталаб боши сирқираб оғриб уйғонди ва осонгина ишлаб олиши мумкин бўлган 12 минг сўм кўз олдида жилва қилганида инграб юборди. У етти ўйлаб бир кесган операция даставвал яхши бошланди. М. Қўлдасов ҳамкишлоқларидан кўп олхўри сотиб олди ва омон-эсон Омскка етиб борди. «Олхўри» операциясини Чиноз район ички ишлар бўлимининг милиция майори Ю. Каримов ниҳоясига етказди. Омск милициясининг ходимлари билан бирга М. Қўлдасовни марказий бозорда бир ярим сўмлик олхўриларни 6 сўмдан пуллаб турган пайтда қўлга олди.

М. Қўлдасовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Т. ДАГЖИ,
ЎзТАГ мухбири.

ЖАНГОВАР АТЕИЗМ УЧУН

КЛУБ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, уларни маърифатли қилиш, янги совет маросимларини ва одатларини кенг ёйиш — атеистик тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмидир.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасидан).

«Атеист» клубининг фаолияти ранг-баранг. Чилонзор райони меҳнат коллективлари ва аҳоли истиқомат жойларининг вакиллари бу ерга ҳар шанба куни йиғилишади. Қизиқарли учрашувлар, жонли суҳбатлар мунтазам ўтказиляпти.

Пойтахтимиздаги «Олмазор» кафеси қошида «Атеист» клуби ишлаб турибди. Клуб кенгаши аъзолари тўқ қиз кишидан иборат. Аъзолар сони эса юз кишига яқиндир.

Яқинда ўтказилган навбатдаги учрашув «Дин ва санъат» мавзуига бағишланди. Коммунистик ахлоқни қарор топтиришда санъатнинг роли, янги урф-одатларни ҳаётга кенгроқ жорий этиш масаласида қизиқарли давра суҳбати бўлиб ўтди. Социалистик турмуш тарзимизга зид бўлган барча нарсаларга фаол қарши чиқиш, коммунистик идеаллар учун қатъият билан курашиш бугуннинг жанговар вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу жиҳатдан Тошкентдаги «Домбробод» маҳалла комитетининг раиси Усмон Абдуллаевнинг сўзлари барчада катта қизиқиш уйғотди. У маҳалла аҳолисининг янги урф-одатларни жорий этиш бўйича тўплаган тажрибасини мисоллар асосида гапириб берди. Республика Илмий атеизм уйи ходимлари атеистик тарбия таъсирчанлигини ошириш хусусида алоҳида тўхталдилар.

Чилонзор районидаги Фурқат номли кутубхона мудири, кенгаш раиси Л. Сверженскаянинг таъкидлашича, клуб аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораётир. Кечаларга ота ва оналар ўз оила аъзолари билан бирга таклиф қилинмоқда. Суҳбатлар давомида кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиляпти. Турли мавзулардаги конкурслар, касб эгалари билан учрашувлар барчада катта таассурот қолдираётир.

Чиндан ҳам «Атеист» клубининг фаолияти эътиборга лойиқ. Унинг иш тажрибасини оммалаштириш жойлардаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

СУРАТЛАРДА: клубнинг навбатдаги йиғилишида; маҳалла комитети раиси У. Абдуллаев; Т. Резниковнинг «Ҳамза — маърифатпарвар» картинаси олдида.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ВА ТЕХНИКУМ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

ДИПЛОМ ЗАВОДДА ЁҚЛАНДИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИНИ БИТИРУВЧИ БИР ГУРУҲ СТУДЕНТЛАР ДИПЛОМ ИШИНИ ЗАВОДДА ҲИМОЯ ҚИЛДИЛАР

Бундан бир неча ой илгари институтга қатор корхоналардан, жумладан, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли «Узавторемонт» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги 10-авторемонт заводидан автомобиль ремонти ишларини такомиллаштириш бўйича чизмаларга талабномалар келди. Ана шу масъулиятли ишнинг бир қисми тажриба тариқасида битирувчи курс студентларига топширилди. Айни чоғда бу уларнинг диплом иши мавзуи қилиб белгиланди.

— Очиғини айтганда, бизда илгари деярли қўлланилмаган бундай ҳамкорликка ишонқирамаганлар ҳам бўлди, — дейди автомобиль ишлаб чиқариш ва уни ремонт қилиш кафедраси мудири, техника фанлари кандидати С. Қодиров.— Талабаларимизга ишонч далда бўлганди, ўшанда.

Мана бугун ўша студентлар ҳисоб бермоқдалар. Бу ерда йиллар мобайнидаги таълим-тарбия самараси илк бор юз кўрсатиб, устозлар ишончи қутилганидан ҳам зиёда оқланганлиги шоҳиди бўлдик. 1-авторемонт заводининг директори Ҳ. Мусажонов раислигидаги давлат имтиҳон комиссияси студентлардан Р. Клишин, Д. Рўзметов, А. Қосимов, А. Ўтаевларнинг диплом иши — ўнинчи авторемонт заводи учун тайёрланган универсал стендни яхши баҳолади. Масалан, автомобиллар двигателларининг совутиш системасини ювишга мўлжалланган ушбу қурилма амалиётга жорий этилса, машиналарнинг ишлаш муддати ошади.

Шуниси эътиборга лойиқки, студентлар бажарган техникавий ечимлар пишиқпухталигидан ташқари, уларнинг ҳар бирида табиат муҳофазасига ҳам катта эътибор берилган.

Талабалардан А. Верголасов бажарган иш қўпчиликда қизиқиш уйғотди. Маълумки, ВАЗ автомобилларининг тирсакли вали ишлайвергач, едирилиб, тез ишдан чиқади. Авваллари уни ремонт қилиб бўлмас, ташлаб юборилар эди. Бироқ уни қайта ишлатиш йўли бор экан. Алексей дастлаб электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида бундай валларнинг едирилиш қонуниятларини аниқлади, кейин уларга автомат тарзда қайта умр бахш этиш усулини топди. Студентнинг таклифи мутахассислар, ўқитувчиларни ҳам қизиқтириб қўйди. Уни ишлаб чиқаришга жорий қилишга тавсия этдилар. Ахир, бўлажак инженер учун бундан ортиқ баҳо бўладими?

— Студентларнинг бажарган ишлари заводдагиларга ҳам маъқул тушяпти, — дейди 10-авторемонт заводи бош инженери Ж. Муҳамедов. — Биласизми, ўзим ҳам шу ихтисос бўйича кечки бўлимда таҳсил олганман. Бироқ бизда бундай имкониятлар йўқ эди. Ҳозирги талабаларга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, бир бригадага бириқиб, ишланиш олиб борган йигитларнинг диплом иши самараси яхши бўлишига ишончим комил.

Ш. Ёқубов, Н. Қосимов, А. Турсуновлар диплом ҳимояларини завод ҳовлисида, ўзлари яратган стенд (мослама) олдида ўтказдилар. Авваллари бунақа ГКБ-818 прицепининг ромини пайвандлаш жуда кўп вақтни оларди. Энди шу иш жараёни бир неча соатда бажариляпти.

Катта автомобилларнинг прицеплари учун ясаладиган металл ром автоматик тарзда ҳаракатланувчи блокка ўрнатилган. Ишчи истаган ҳолатда ромнинг истаган ерини пайвандловчи «иплар» билан «тикиши мумкин». Студентларнинг ўзи лойиҳалаб, ўзи тайёрлаб, ўзи жорий этган бу янгилик завод ишчиларига ҳам ёқиб қолди. Улар ҳали диплом иши ҳимоя қилинмасданоқ, уни цехда ишга туширишга юбордилар. Завод бош инженерининг таъкидлашича, бундай серсамара иш шундай ромларни тайёрловчи цех ишчиларининг меҳнат унумдорлигини анча оширишга кўмаклашиши аниқ.

Заводда бўлиб ўтган ҳимоя якунлари шуни кўрсатадики, олий ўқув юртлари аудиторияларида ўтилаётган сабоқлар, олиб борилаётган илмий изланишлар ишлаб чиқаришга, амалиётга бевосита татбиқ қилиняпти. Фан билан ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам бирлигига пойдевор қўйилмоқда. Энг аҳамиятли томони шундаки, бу ишни катта қаётда энди мустақил қадам ташлаётган ёшлар бажаришяпти. Зеро, «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида айтилганидек, инженер кадрларни тайёрлаш жараёни уларда мустақил техникавий ижодкорлик, техникавий-иқтисодий проблемаларни системали таҳлил этиш қўникмаларини ва самарали ечимларни топа билишни ривожлантиришга бўйсундирилиши керак.

У. ФАЙЗИЕВА.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ЎЗБЕКИСТОН РЕКОРДИ

Украина пойтахтида енгил атлетика бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли куч синашдилар. Яхши ният ўйинларининг совриндори андижонлик югурувчи С. Ўлмасованинг 5 километрли масофада биринчи бўлиши мухлисларни қувонтирди. Унинг командадоши Р. Гатаулин эса лангар билан сакрашда 5 метр 85 сантиметрли маррани эгаллаб, Ўзбекистон рекордини ўрнатди. У Яхши ният ўйинларида 580 сантиметрли натижа билан кумуш медаль олган эди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Пойтахт торпедочилари билан спартакчилари учрашувида 0:2 ҳисоби қайд этилди. Бу билан олий лига командаларининг навбатдаги тур ўйинлари якунланди. Торпедочилар 21 очко билан олдинда боришмоқда. «Зенит» ва «Шахтер» коллективлари 20 тадан очко билан иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Биринчи лига командалари эса кеча мамлакат чемпионатининг дастлабки давра ўйинларини якунлашди.

ОБ-ҲАВО

БУГУН

Республика Гидрометеорология марказининг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Тошкент области ва Фарғона водийсининг айрим ерларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади, бошқа территорияларда ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади, Фарғона водийсида эса шамолнинг тезлиги кечаси секундига 17—22 метргача етади. Кечаси 14—19, айрим ерларда 22 даражагача, кундузи 30—35, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида 32—37, Фарғона водийсида 25—30 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда деярли ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15—17, кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТДА ИЮЛЬ ЁМҒИРИ

22 июль куни Тошкентда ёққан ёмғир кўпларга мисли кўрилмаган воқеа бўлиб кўринди. Аммо республика Гидрометеорология марказидагилар бошқача фикрдалар: бундай об-ҳаво камдан-кам бўлса-да, ҳар ҳолда бўлиб туради.

1981 йил июлида, 1976 йил июлида ёмғир ёққан.

Шу ойнинг ўртача ойлик ёғин нормаси 4 миллиметр. Лекин масалан, 1982 йил июль ойининг бир кунида 16 миллиметр ёмғир ёққан.

— Ҳарорат-чи? Бу кун одатдан ташқари салқин бўлиб туюлди.

— Шундай. Ҳозиргача бу ойнинг энг салқин куни 18,4 даража бўлган эди. Кеча, 22 июль қоқ тушда термометр атиги 18 даражани кўрсатди. Шу жиҳатдан янги рекорд қўйилган бўлса ажаб эмас.

— Бундай ғалати об-ҳаво қаердан келиб қолди?

— Шимоли-ғарбдан, мамлакат Европа қисмидан салқин ҳаво оқими бостириб келди. Бу оқим Москвада мислсиз жала-ёмғирлар вужудга келтиргач, Туркманистон устидан ўтди. Бу ерда чўлнинг айрим районларида 33 миллиметргача ёмғир ёғди. Ўзбекистонда ҳам ҳаво булут бўлиб қолди. Ўтган кунлар Қорақалпоғистон ва Хоразмда, Бухоро ва Навоийда, Мирзачўлда, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё областларида ёмғир ёғиб ўтди. Баъзи жойларда чангли бўронлар бўлди, момақалдироқлар гумбурлади. Фарғона водийсида, Сурхондарёда, адир районларда ёмғир ёғишини кутяпмиз.

Метеорологларнинг фикрича, буларнинг ҳаммаси бир-икки кундан кейин тугайди. Шундан кейин ҳавонинг ҳарорати бирмунча фурсат бироз паст ҳолда, жазирамасиз — атиги 30—35 даража бўлиб туради. (ЎзТАГ).

МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИ ШУ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ИШЛАЯПТИМИ?

ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН

Дорихонага кириб келган беморни очиқ чеҳра билан қарши олиб, тезликда рецептда ёзилган дориларни муҳайё қилишди. Фақат бир суюқ дорини тайёрлаш зарур экан, эрталаб келишни тайинлаб, уй адреси, телефонини дафтарга қайд этиб қўйдилар. Бироқ бемор эртасига аптекага келмади. Уйидаги кўнгироқ жиринглаб, буюрган дорисини олиб кетишни унутганини эслатишганида, юзига табассум югурди...

Ҳа, биз дорихона ходимлари доимо шундай, намунали хизмат кўрсатишларини истаймиз. Бир қатор дорихоналарда хизмат шу тарзда ташкил этилган. Лекин кўпинча бунинг аксини кўрсатувчи фактларга ҳам дуч келамиз. Навоий областидаги бир қатор дорихоналарнинг фаолияти ҳам бундан ҳоли эмас. Улар ўз ишларини давр талаблари асосида қайта қуролмаяптилар. Камчилик ва муаммолар жуда секинлик билан бартараф этилмоқда. Табиийки, бундан беморлар азият чекишмоқда, зарур дориларни ахтариб овора бўлишмоқда.

БАҲОНАДАН НЕ ФОЙДА?

Замира Йўлдошева оғир жароҳат туфайли йиғирма бир ёшида биринчи группа инвалиди бўлиб қолди. Унинг соғлиғи яхшиланиб кетиши учун доимий муолажа зарур эди. Навоий шаҳридаги 2-поликлиникада унга церебрализин деган дори олиш учун рецепт ёзиб бердилар. Бемор поликлиника ёнидаги 11-дорихонага мурожаат қилди. Афсуски, бу ерда керакли дори йўқ экан. Бошқа дорихоналардан ҳам ахтара-ахтара тополмай, яна врач ҳузурига қайтиб келди. Унга церебрализин ўрнини босувчи бошқа дори ёзиб беришди.

11-дорихона мудири Бобоқул Отақуловдан беморга нима учун ёрдам бериш олмаганликларининг сабабини суриштирдик.

— Йўлдошева сўраган дорини январь ойидан буён олганимиз йўқ, — деди у.— Рўйхатга ёзиб қўйдик. Церебрализин келиши билан берамиз.

Бу гап бемор мурожаат қилганидан саккиз кун ўтгач бўлди. Ва илож, фармацевтлар афсунгар эмаски, йўқ дорини йўндиришса? Йил бошидан буён бирон ампула ҳам олмадик, дейишганига, уни бошқа дорихоналарда ҳам топиб бўлмаганига қараганда Йўлдошева учун зарур дори шунчалик камёбдир-да, деб ўйлаб қоласан.

Навоий область дорихоналар бошқармаси базаси ходимлари эса бизга бутунлай бошқача фактларни айтишди. Область аҳолисининг церебрализинга бўлган эҳтиёжи тўла миқдорда таъминланган бўлиши керак. 11-дорихонанинг ўзи шу йилнинг 23 апрелида бу доридан 73 ампула олган. Мазкур дорихонага май ойида ажратилган 110 ампула омборда чанг босиб ётибди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, дорихона ходимлари аҳолини ўз вақтида дори-дармон билан таъминлаш ўрнига бепарвоник қилишяпти.

Қизилтепадаги 40- ва 4-дорихоналарда ҳам шундай нуқсонлар бор. Сўралган дорилар мавжуд бўлгани ҳолда рецепт бўйича хизмат кўрсатилмаяпти. Масалан, К. Кенжаевга шундай қилинди. Унга ярага суртадиган дори ўрнига руҳан носоғ кишилар ичадиган қимматбаҳо таблетка сотишди. Дорихона мудирлигини вақтинча бажарувчи У. Ғайбуллаев буни «Иш камчиликсиз бўлмайди-да», деб хаспўшлашга уринди. Инсон ҳаёти учун жавобгар шахс — шифокор ҳеч вақт хато қилмаслиги кераклигини у унутганга ўхшайди. Бўлмаса, бундай жавоб бермаган ва яна баралгин, галмагин сингари дориларни омборнинг қоронги бурчакларига яшириб қўймаган бўларди.

Область дорихоналар бошқармаси базасидаги аҳволга ҳайрон қоласиз. Бу ерда ишнинг на учини, на охирини топиб бўлади. Бир-бирларига таъсири зид бўлган дори-дармонлар бир жойда, аралаш-қуралаш сақланяпти. Омборлардаги температура ва ҳаво босими талабга бутунлай жавоб бермайди. Бўлимлар фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилган. Қабул қилиш бўлими эса, умуман фаолият кўрсатмаяпти ҳисоб. Шу боис базага келган дорилар бир-икки ойсиз касалхона ва дорихоналарга етиб бормайди. Хусусан, 4-бўлимга 11 июнда туширилган 59 хил, 1-бўлимга ундан бир кун олдин келтирилган 55 хил дори-дармон вақтида ҳужжатлаштирилмаганлиги ва оқибатида яшикларда қаланиб ётибди. Табиийки, уларга қанчадан қанча беморлар кўз тикиб турибди.

ТАМА—ЮҚУМЛИ ВИРУС

Баҳром Бердиев Комсомол посёлкасидаги 17-дорихонага мудир бўлди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Хоҳласа ишга келади, хоҳламаса йўқ. Кишилар билан муомаласи ўзгариб, ўзи ичкиликка ружу қўйди. Ҳатто, ишга ҳам ичиб келадиган одат чиқарди.

Меҳнатсиз топилган бойлик ҳар кимни ҳам тўғри йўлдан оздиради, дейишади. У боши берк кўчага кириб қолган эди. Беморларга камёб дориларни ортиқча баҳода пуллаб, чўнтагини жарақ-жарақ пулга тўлдириб юрарди. Ҳаромтомоқликнинг охири вой. Бердиев учун ҳам у шундай тугади. Бир киши ҳақидан 57 сўм уриб қолаётганда, қўлга тушди. Суд уни беш йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Томди районидаги марказий дорихона мудири Турсун Ҳамдамов бўлса, оз эмас, кўп эмас, 22800 сўмлик камомадга йўл қўйди. Умуман, областда 1985 йилнинг ўзида кишиларга дориларни ортиқча нархда пуллаганлиги, камёб дори-дармонларни яширганлиги учун олти фармацевт ишдан олинди. Бу йил эса, дорихоналарнинг яна уч ходимига қаттиқ чора кўрилди.

Юқорида келтирилган салбий фактларни областдаги ҳар бир дорихона ходими яхши билади. Уларнинг қилмишлари йиғилишларда муҳокама қилинган. Аммо, бу фактлардан ҳамма ҳам тўғри сабоқ чиқариб оляпти, деб бўлмайди. Дорихоналарда ҳамон савдо қоидалари бузилиши давом этяпти. Яқинда ўтказилган текширишлар буни яна бир бор тасдиқлади. Хатирчи районидаги 28-аптекада дорилар устига 3 тийин, Навбаҳордаги 40-аптекада 32 тийин, Конимехдаги 3-аптекада 34 тийин қўйиб сотилди. Дастлабки икки дорихона омборларида витриналарга чиқарилмаган 32—37 хилдаги дори-дармонлар топилди.

— Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун қўлимиздан келган ҳамма чора-тадбирларни кўряпмиз, — дейди область дорихоналар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г. Ҳисамитдинова. — Лекин баъзиларга бу таъсир қилмаяпти.

Аслида бунга кадрлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларнинг жуда бўш ташкил этилганлиги сабаб бўлмоқда. Бунинг устига қабул қилинган қарорлар бажарилиши, назорат ишларининг қатъий йўлга қўйилиши таъминланмаяпти. Масалан, бошқармадаги ҳар йиғилишда аптекаларда врач рецепти билан келган беморларга зарур дори топилмаган тақдирда уни рўйхатга олиб, белгиланган муддат ичида буюртмани бажариб бериш ҳақида гап бўлади. Лекин мана шу оддий қоида Навоий шаҳри ва Навоий райони марказий аптекаларидан бошқа жойларда умуман йўлга қўйилмаган.

Дорихоналарда тамагирлик вирусига чалинган ходимлар ишламаслиги лозим. Чунки улар кишиларнинг соғлиғига, маънавий оламига кўпроқ зарар етказадилар.

МУАММОЛАРНИ КИМ ҲАЛ ҚИЛАДИ?

Навоий район «Нарпай» совхозидаги 16-дорихона эски бинода жойлашган. Хоналари тор. Водопровод, табиий газ ўтказилмаганлиги сабабли суюқ дорилар қийинчилик билан тайёрланяпти.

Совхоз марказида янги аптека қурилиши бошланганига олти йилдан ошди. Хўжалик қурувчиларининг аҳди бўйича, объектнинг энг охирги ишга туширилиш муддати шу йилнинг март ойига белгиланган эди. Аммо улар ҳар галгидек ўз сўзларининг устидан чиқолмадилар. Қурилиш ниҳоясига етмасдан туриб, кўп жойлари ремонталаб бўлиб қолди. Прораб С. Межидов, совхоз директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Р. Раҳмоновларнинг эса, парвойи палак.

Дорихоналар қурилишига бу хилдаги муносабатга яна мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Хатирчидаги аптека қурилиши саккиз йилдан буён давом этяпти. Область дорихоналар бошқармаси базасини қуриш ишлари ҳали планлаштирилгани йўқ. Учқудуқдаги дорихона ремонт қилинаётганига олти ойдан ошди. Шу боис фармацевтлар бу ерда суюқ дори тайёрлай олмай, уларни 300 чақирим узоқликдан — Навоий шаҳридан ташиб келтирмоқдалар.

Бу муҳим объектларни ўз вақтида қуриш ва ремонт қилиш учун масъул мутасадди ташкилотлар, уларни доимий назоратда тутиши лозим бўлган қишлоқ ва район Советлари ижрокомлари негадир жон қуйдиришмаяпти. Шундай фикрни область ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар шаънига ҳам айтиш мумкин. Улар областдаги мавжуд аптекаларнинг қарийб тўқсон проценти типовой биноларга эга эмаслигини, қирқ тўққизтаси телефонлаштирилмаганини, 54 тасига водопровод ўтказилмаганлигини қоғозларда қайд этиш билангина чекланиб қолмоқдалар. Бу масалаларни ҳал этиш учун амалий иш қилинмаяпти.

Яна бир долзарб муаммо — кадрлар масаласи. Ҳозир область аптекаларида ишлаш учун 72 ходим етишмайди. Биргина Томди районининг ўзи учун олий маълумотли етти фармацевт зарур бўлиб турибди.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги. Республика партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида, ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессиясида бу масалага ғоят катта эътибор берилиб, медицина муассасаларининг фаолияти кескин танқид қилинди. Бу танқид Навоий область дорихоналар бошқармасининг ишига ҳам бевосита тааллуқлидир. Айни кундаги ва келгусидаги вазифа мавжуд камчилик, хатоларни тезкорлик билан бартараф этишдан, бутун фаолиятни меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатишга қаратишдан иборат бўлмоғи лозим. Шунда кишилар раҳмат айтишади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари химия-технология факультети декани, техника фанлари доктори, профессор

Анвар Ҳанимович ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва «Тошкентмармар» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари бирлашма бош директори С. А. Абдукаримовга онаси

Ҳанифа МАДАМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари, физика факультети коллективи физика ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти Н. Б. Гофуровга отаси

Жалол БОҚИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — «Саёҳатчилар клуби». 10.40 — Концерт. 11.30 — «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Халқ ижодиёти». 16.35 — «Уларни уруш синовдан ўтказган». 17.10 — «Электроника ва биз». 17.40—Аргимчоқ». Бадиий фильм. 18.45 — Фильм-концерт. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.50 — «Сиз яратган бог». 20.20 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Ю. Слесарев чалади. 21.30 — «Время». 22.05 — Монголия Халқ революциясининг 65 йиллигига бағишланган СССРда Монголия Халқ Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиши. 23.35 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — «Урал тупроғидаги ёдгорликлар». 9.40 — «Дарвозаси тиллодан». Музикали кўрсатув. 10.30 — Ҳужжатли фильм. 11.10 — «Оддий-мураккаб ҳақиқатлар». 11.40 — Немис тили. 12.10 — «Княжна Мэри». Бадиий фильм. 13.45— Мультфильм. 14.15 — Ульяновск телевидение студиясининг программаси. 15.00 ва 18.25 — Янгиликлар. 18.35 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.50 — «Ҳамдўстлик». 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бемаъни кун». Кинокомедия. 23.10 — Спидвей. Жаҳон чемпионати. Финал.

23 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ-I. 7.15 — Ритмик гимнастика. 7.40 — Телефильм. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Студент ёшлар учун. 8.20 — «Тонгги таронапар». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Ўқувчилар бригадасида». 18.45 — Мультфильмлар. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Халқ контроли экрани». 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга! 22.45 — «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 15.05— Москва-II. 18.15 — Математика. 18.40 — «Пионер телетайпи». 18.50 — «Балет шинавандаларига». 19.15 — Ритмик гимнастика. 19.35 — «Канонир Долас саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия. 21.00 — «Шундай аёллар яшайди». 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Биага мактуб йўллабсиз». 9.30 — «Ҳаётимизнинг ёрқин қирралари». 10.15 — Дутор ва танбур тароналари. 11.15 — «Юность». 12.10 —«Узбекистан индустриальний». 13.00 —«Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.40 — Болалар учун ҳикоя. 18.15 — Тинчлик ҳақида қўшиқлар. 18.30 — «Ўзбекистон бинокори». 19.25 — «Ўзбекистоннинг лирик манзаралари». 19.40 — «Миллионлар ленинча университети». 20.45 — СССРда МХР маданияти кунларининг тантанали очилиши. 21.45 — «Қишлоқ оқшомлари».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 10830. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 171. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12